

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

**«КЕЛИШИЛГАН»**

Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим  
вазири А.Ҳ.Тошқулов

**«ТАСДИҚЛАЙМАН»**

Самарқанд иқтисодиёт ва  
сервис институти ректори  
М.Э.Пўлатов

---

«\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2021 й.

---

«\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2021 й.

**5A230102 - Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) мутахассислиги  
бўйича махсус фанлардан магистратурага кириш синовлари**

**ДАСТУРИ  
ВА  
БАҲОЛАШ МЕЗОНИ**

**САМАРҚАНД – 2021**

Тузувчи: СамИСИ “Тармоқлар иқтисодиёти” кафедраси доценти Б.А.Абдукаримов  
СамИСИ “Тармоқлар иқтисодиёти” кафедраси мудир, PhD З.С.Артиков

Тақризчилар: СамДУ “Инсон ресурсларини бошқариш” факультети декани,  
и.ф.д., профессор Н.У.Арабов  
СамИСИ “Туризм” кафедраси мудир, PhD, доцент Д.З.Норкулова

Дастур Олий Таълимнинг “Иқтисодиёт” таълим йўналишида ўтилган фанлар, шу жумладан, “Ички савдо иқтисодиёти”, “Кичик бизнес ва тадбиркорлик” ва “Корхона иқтисодиёти” фанлар мажмуасини ўзида акс эттирган.

Мазкур дастур 5A230102 – Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) мутахассислиги бўйича махсус фанлардан магистратурага кириш синовларини топширувчиларга мўлжалланган.

Мазкур дастур Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти “Тармоқлар иқтисодиёти” кафедраси мажлисида муҳокама қилинган ҳамда тавсия этилган (2021 йил 2-июнь 11-сонли мажлис баёни)

Мазкур дастур Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти Ўқув-услубий Кенгашида муҳокама қилинган ва фойдаланишга тавсия этилган (2021 йил \_\_ июн \_\_ сонли баёни).

## Кириш

“Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)” мутахассислиги бўйича магистратурага кирувчилар синов топширишда махсус фанлар етакчи бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун магистратурага кирувчилар “Иқтисодиёт” таълим йўналиши доирасида тўлиқ ўзлаштириб олишган фанлардан ташкил топган махсус фандан синов топширишда қуйидаги фанларга алоҳида эътибор қаратишлари муҳимдир, яъни “Ички савдо иқтисодиёти”, “Кичик бизнес ва тадбиркорлик” ва “Қорхона иқтисодиёти”. Бунда магистратурага кирувчилар иқтисодиёт, кичик бизнес, тадбиркор, бизнес каби иқтисодий категорияларнинг моҳиятларини, функцияларини, иқтисодиётдаги ролини, уларнинг таркибий қисмлари билан боғлиқ саволларни, уларга тааллуқли муаммолар ечимини билишлари ва ёрита олишлари муҳимдир. Шунингдек, синов жараёнида абитуриентларнинг мутахассислик бўйича илмий, илмий-техник ахборотлар билан мустақил ишлаш, тизимли мустақил таҳлил қилиш, хулосалар чиқариш бўйича билимларига ҳам катта аҳамият қаратилади.

Ушбу махсус фанлар дастури фақат “Ички савдо иқтисодиёти”, “Кичик бизнес ва тадбиркорлик” ва “Қорхона иқтисодиёти” фанлари бўйича тасдиқланган дастурларда келтирилган мавзулари асосида тузилган.

Махсус фанлар таркибига кирувчи иқтисодий категориялар хизмат кўрсатиш (ишлаб чиқариш)ни ҳамда товар айланишини ташкил қилувчи, миллий иқтисодиётни ўсишига олиб келувчи иқтисодий восита бўлиб ҳисобланади. Иқтисодиёт, бизнес, тадбиркор, тадбиркорлик, сервис ва бошқа иқтисодий категориялар жамият ривожланишининг барча босқичларида мавжуд бўлган.

Иқтисодиёт, бизнес, тадбиркор, тадбиркорлик, сервис ва шу каби иқтисодий категориялар бозор муносабатларини ташкил қилувчи асосий воситаларидан ҳисобланиб, бозор механизмининг самарадорлигини таъминлашда муҳим рол ўйнайди. Уларнинг барқарорлигини таъминлаш самарали иқтисодиётни ташкил қилишнинг асоси ҳисобланади ва Ўзбекистон учун инқирозни бартараф этиш ва жаҳон молия бозорида янги марраларга чиқиш йўллариини белгилаб беради.

Бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик фаолиятини юритиш, чекланган моддий ва молиявий ресурслардан оқилона фойдаланиш мутахассислардан чуқур иқтисодий билимга эга бўлишни талаб қилади. Хўжалик юритиш бу асосан оптимал ва рационал қарорлар қабул қилиш билан боғлиқдир. Бу ишлар мулк шаклидан, турларидан қатъий назар барча хўжалик объектлари учун бир хил қарашларни талаб қилади. Шу боис иқтисодиётни ривожлантириш борасида юқори малакали мутахассисларни магистратура орқали тайёрлаш долзарб ҳисобланади. Бу ўринда фан соҳасида чуқур билимга эга бўлган, мутахассисликка мос илмий, илмий-педогогик қобилияти ва қизиқиши бор абитуриентларни магистратурага қабул қилиш катта аҳмият касб этади. Ушбу махсус фанлар дастури айнан шу масалаларни ҳал қилишга қаратилган.

## **Дастурнинг мақсад ва вазифалари**

Мутахассислик бўйича магистратурага ўқишга кирувчилар учун мўлжалланган синов дастурининг асосий мақсади ва вазифаси иқтисодиёт, бизнес, тадбиркор, тадбиркорлик, сервис ҳамда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожланиши ва фаолият юритишининг назарий, амалий жиҳатлари билан боғлиқ тизимларга тааллуқли мавзулар ва саволларни баён қилишдан иборат. Шунингдек дастур саволларга берилган жавобларнинг баҳолаш мезонларини ҳам белгилаб беради.

### **Махсус фанлар бўйича магистратурага ўқишга кирувчи бакалаврларнинг билимига, тайёргарлигига ва куникмаларига қўйиладиган талаблар**

Махсус фанлар доирасида тузилган синов дастурида иқтисодиёт, бизнес, тадбиркор, тадбиркорлик, сервис ҳамда хизмат кўрсатиш соҳасининг моҳияти, функциялари, бозор иқтисодиёти шароитидаги роли ва ўрни, уларнинг барқарорлигини таъминлаш масалалари каби саволлар назарий ҳамда амалий жиҳатдан кўриб чиқилади, шундан келиб чиққан ҳолда 5A230102 – Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) мутахассислиги бўйича магистратурага кирувчи:

- махсус фанларни ўрганиш даврида ҳар бир мавзу бўйича таянч ибораларига ҳам жавоб бериб, тегишли масалани еча олиши;

- махсус фанларни ўзлаштириш натижасида иқтисодиёт, бизнес, тадбиркор, тадбиркорлик, сервис ва ҳоказо муносабатларида бўладиган ўзгаришларни билиши;

- мутахассисликка оид илмий ва илмий-техник ахборот билан мустақил ишлаш, тизимли мустақил таҳлил қилиш, хулоса чиқариш бўйича билимга эга бўлиши лозим.

### **Махсус фанлардан синов мавзуларини бошқа умумқасбий фанлар билан алоқаси**

Махсус фанларни ўрганиш давомида бакалавр уни бошқа умумқасбий фанлар билан узвий боғлиқлигини тушунган ҳолда микро ва макро иқтисодий даражада, шунингдек иқтисодиёт, бизнес, тадбиркор, тадбиркорлик, сервис ва бошқа муносабатларининг ролини ва ўрнини кўрсатиб бераоладиган даражада билишлари лозим.

Махсус фанларни ўрганиш магистратурага синов топшириб кириш учун тайёргарлик кўришда асос бўлиб ҳисобланади. Шу боис, махсус фанлардан тузилган синов саволларига жавоб беришда қуйидаги фанлар билан, яъни, “Институционал иқтисодиёт”, “Меҳнат иқтисодиёти”, “Туризм иқтисодиёти”, “Оммавий оқатланиш соҳаси иқтисодиёти”, “Ташқи савдо иқтисодиёти”, “Бизнесни баҳолаш” ва бошқа фанлар билан узвий боғлиқлигини эътироф этиш муҳимдир.

**Махсус фанлардан синов дастури**  
**“ИЧКИ САВДО ИҚТИСОДИЁТИ” фани бўйича**  
**Фаннинг назарий машғулотларини мазмуни қуйидагилардан иборат:**

**Ички савдо иқтисодиёти фанининг назарий ва методологик асослари**

Бозор муносабатларига ўтиш шароитида иқтисодий фанларнинг ўрни ва аҳамияти. Ички савдо иқтисодиёти – тармоқ иқтисодий фанидир. Курснинг бошқа иқтисодий фанлар билан боғлиқлиги. Курснинг таркибий тузилиши ва унинг юқори малакали мутахассисларни тайёрлашдаги роли.

«Ички савдо иқтисодиёти» курсининг объекти, предмети ва вазифалари. Ички савдо иқтисодиёти фанининг усуллари.

Замонавий иқтисодий қарашлар ва уларнинг ўқиш жараёнида талабаларда шаклланиши.

**Бозор иқтисодиётини шакллантириш шароитида савдо**

Товар муомаласи соҳасининг моҳияти. Такрор ишлаб чиқаришда айрибошланиш ва унинг аҳамияти. Бозор иқтисодиётининг моҳияти. Бозор иқтисодиёти қоидалари (принциплари). Бозор тушунчаси, бозорнинг функциялари ва элементлари. Бозорнинг турлари. Бозор субъектлари. Бозор муносабатлари шаклланиши шароитида савдонинг моҳияти. Савдонинг функциялари ва вазифалари. Бозор иқтисодиёти шароитида савдонинг тутган ўрни ва аҳамияти.

Савдо иқтисодиётнинг тармоқларидан бири сифатида.

Хўжалик юритиш ва мулкчиликнинг кўп хиллиги амал қилаётган шароитда савдонинг ижтимоий шакллари, уларнинг ташкилий – иқтисодий тавсифи.

Матлубот кооперациясининг савдо фаолияти, унинг ташкилий – иқтисодий тавсифи ва бозор муносабатларининг шаклланишига таъсири.

**Тадбиркорлик фаолиятининг ҳуқуқий - иқтисодий асослари**

Тадбиркорликни моҳияти ва аҳамияти. Тадбиркорлик тушунчаси. Тадбиркорликнинг умумий қоидалари. Тадбиркорлик субъектлари. Тадбиркорликнинг шакллари ва турлари. Тадбиркорликнинг иқтисодиётдаги аҳамияти. Тадбиркорликнинг келиб чиқишининг ҳуқуқий асослари. Тадбиркорликнинг иқтисодий асослари. Тадбиркорликни қўллаб – қувватлаш йўналишлари.

Савдода тадбиркорлик ва рақобат. Савдода тадбиркорлик фаолиятининг шакллари.

Савдода тадбиркорлик фаолияти самарадорлигининг мезони ва кўрсаткичлари. Матлубот кооперациясида тадбиркорлик фаолиятининг хусусиятлари.

## **Савдонинг хўжалик механизми**

Хўжалик механизми тушунчаси ва унинг моҳияти. Хўжалик механизмининг асосий элементлари, уларнинг тавсифи ва ўзаро алоқаси. Ўзбекистонда бозор иқтисодиётини шакллантириш механизмини ўзига хос хусусиятлари.

Бозор иқтисодиётининг қарор топиши шароитида хўжалик юритишнинг турли шакллари ривожланиши.

Савдо корхона ва ташкилотларининг хўжалик механизмини тавсифи. Бирлашма хўжалик юритиш механизмининг хусусиятлари.

Бозор иқтисодиёти шароитида савдо хўжалик механизмини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари.

## **Савдода корхоналаридан иқтисодий ишни ташкил этиш**

Иқтисодий ишнинг моҳияти ва мазмуни, бозор муносабатларининг шаклланиш шароитида унинг аҳамияти. Янги хўжалик юртиш шароитида савдо корхоналари ва ташкилотлари фаолиятини таҳлил қилишнинг мазмуни ва вазифалари. Хўжалик фаолиятини таҳлил қилишнинг усул ва услублари. Иқтисодий ахборотлар тушунчаси, турлари ва иқтисодий ишдаги аҳамияти. Бозор иқтисодиёти шароитида савдони прогнозлаштириш ва режалаштириш. Унинг моҳияти, мақсади, вазифалари ва аҳамияти. Савдони прогнозлаштириш ва режалаштиришнинг умумий қоидалари. Прогнозлаштириш ва режалаштиришга қўйиладиган умумий талаблар. Прогнозлаштириш ва режалаштиришнинг турлари ва босқичлари. Прогнозлаш ва режалаштиришнинг усуллари. Матлубот кооперацияси корхона ва ташкилотларида режаларини ишлаб чиқиш технологияси ва ташкил қилиниши. Аниқ мақсадли (стратегик) режалаштириш ва унинг мазмуни. Бизнес режа, унинг аҳамияти ва ишлаб чиқиш тартиби.

## **Савдо корхоналарининг ресурслари**

Савдо-технологик жараёнида фойдаланиладиган ресурслар тушунчаси, аҳамияти ва уларнинг турлари. Моддий, меҳнат ва молия ресурслари, уларнинг тавсифи. Янги хўжалик юритиш шароитида инвестиция сиёсати. Савдонинг асосий фондлари: тушунчаси, тавсифи ва таснифи. Айланма маблағлар, уларнинг таркиби ва шаклланиш манбалари. Товар запасларидаги маблағларнинг айланувчанлиги. Асосий ва айланма фондларнинг самарадорлиги мезони ва кўрсаткичлари. Савдо корхонасининг молиявий ресурслари, моҳияти ва уларни савдо корхоналари самарадорлигини оширишдаги аҳамияти. Молиявий ресурсларни манбалари молиявий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигининг мезони ва кўрсаткичлари.

## **Халқ истеъмол товарларига баҳони шаклланиши**

Баҳони моҳияти, турлари ва аҳамияти. Баҳони тушунчаси, турлари. Иқтисодиётда баҳони аҳамияти. Баҳонинг элементлари. Рақобат шароитида баҳонинг шаклланишини методологик асослари. Баҳони шаклланиши ва белгилашни методологияси. Таннарх тушунчаси, унинг элементлари, янги шароитда шаклланиши. Маҳсулотни сотишдан олинган ялпи фойда, савдо корхоналарининг устамалари. Баҳони давлат томонидан тартибга солиниши. Баҳо ва инфляция.

## **Талаб ва товар таклифи**

Эҳтиёж тушунчаси, таркиби турлари ва уни ўрганишни аҳамияти. Талаб – товарлар ва хизматлар бозорининг элементи. Бозор иқтисодиётида талабга таъсир қилувчи омиллар. Истеъмолчилар талабини ўрганиш ва прогнозлаштириш усуллари. Аҳолининг ҳарид фондлари ва уларнинг ҳисоблаш услуби. Аҳолининг даромадлар ва харажатлар баланси. Бозор сиғими ва уни аниқлаш услуби. Товар ресурслари ва бозор иқтисодиёти шароитида уларни шаклланиши. Халқ истеъмоли товарларини ишлаб чиқаришнинг асосий йўналишлари. Янгича хўжалик юритиш шароитида ташқи иқтисодий алоқаларнинг товар таклифини шаклланишида аҳамияти. Товар ресурсларини шаклланишида матлубот кооперацияси ва бошқа савдо ташкилотларининг иштирок этишлари. Халқ истеъмоли товарларини ишлаб чиқаришни ривожлантиришда тадбиркорлик фаолияти ва корхоналарнинг янги шаклларининг роли. Бозор мувозанати – бозорда мутаносибликни таъминлашнинг муҳим шarti. Бозор иқтисодиётининг қарор топиши шароитида товар ресурсларини прогнозлаштириш ва режалаштириш, ресурсларнинг умумий ва алоҳида минтақалар бўйича баланслари, уларнинг мазмуни ва ишлаб чиқариш тартиби. Талаб ва таклиф баланси. Бозор иқтисодиётининг қарор топиши шароитида талаб ва таклифнинг мутаносиблигига эришишнинг асосий йўналишлари. Бозор мувозанатининг қарор топишида баҳо омилининг роли.

## **Чакана товар айланиши**

Чакана товар айланишининг моҳияти ва ижтимоий - иқтисодий аҳамияти. Турли мулк шаклида ишлаётган корхоналар чакана товар айланишининг тавсифи. Чакана товар айланишининг ривожланиш тенденциялари ва қонуниятлари. Чакана товар айланишининг кўрсаткичлари ва уларнинг тавсифи. Бозор муносабатларининг шаклланиши шароитида алоҳида корхоналар, ташкилотлар ва тадбиркорларда чакана товар айланишини таҳлилининг вазифалари, усуллари.

Бозор иқтисоди шароитида чакана товар айланишини умумий ҳажми ва ассортименти бўйича таҳлил қилиш. Товар захиралари, уларнинг моҳияти ва тавсифланиши. Рақобат муҳити мавжуд шароитда товар захираларининг

ижтимоий – иқтисодий аҳамияти. Захиралар ҳолатига баҳо бериш. Товар захираларидаги маблағларнинг айланувчанлиги. Товар захиралари ва маблағларининг айланиш тезлиги даражасига таъсир қилувчи омиллар. Товар захираларидаги маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишни асосий тамойиллари. Чакана савдо шаҳобчаларига товарлар келишининг таҳлили. Матлубот жамиятларининг чакана товар обороти кўрсаткичларини комплекс таҳлил қилиш. Бозор иқтисодиёти шароитида чакана товар айланишини режалаштиришнинг ташкил қилиниши ва тартиби. Алоҳида корхоналар ва тадбиркорларнинг режалаштирилган йил учун чакана товар айланишининг умумий ҳажмини иқтисодий асослашнинг кўп вариантли усуллари. Алоҳида товар гуруҳлари бўйича товар айланиш ҳажмини аниқлаш услублари. Бозор иқтисодиёти шароитида товар захираларининг шаклланиши. Савдо ташкилотлари бўйича зарурий захираларни прогнозлаш ва режалаштириш услуби. Чакана товар айланишини ресурсларни келиши билан таъминланишини прогнозлаш ва режалаштириш.

### **Улгуржи товар айланиши**

Бозор иқтисодиёти шароитида улгуржи савдонинг зарурияти, моҳияти ва аҳамияти. Улгуржи товар айланиши ва унинг турлари. Улгуржи савдони ташкил этишда товар биржаларининг ўрни ва роли. Матлубот кооперацияси улгуржи корхоналарида улгуржи товар айланишининг ривожланиш хусусиятлари. Улгуржи товар айланишининг кўрсаткичлари, уларнинг тавсифи.

Бозор муносабатларига ўтиш шароитида улгуржи савдо товар айланишининг таҳлили. Улгуржи омборларда товар захираларининг ҳолати ва товарлар келишини баҳолаш хусусиятлари. Улгуржи база товар айланиши кўрсаткичларининг комплекс таҳлили. Бозор муносабатларининг ривожланиши шароитида улгуржи товар айланишини режалаштиришнинг вазифалари.

Улгуржи база товар айланишининг ҳажмини иқтисодий асослаш бўйича кўп вариантли усуллар (йўллар). Улгуржи база бўйича зарурий товар захираларини ҳисоблаш услуби. Алоҳида товар етказиб берувчиларни танлашни иқтисодий асослаш. Улгуржи савдони яхшилаш бўйича ташкилий – иқтисодий чора-тадбирлар. Улгуржи савдода тадбиркорлик фаолиятини кучайтириш.

### **Савдода меҳнат ресурслари ва иш ҳақи**

Савдода меҳнат ресурсларини ижтимоий – иқтисодий моҳияти ва аҳамияти. Савдода банд бўлган ишловчиларнинг сони ва таркибининг тавсифи. Бозор муносабатларининг ривожланиши шароитида савдода меҳнат ресурсларининг шаклланиши. Савдода банд бўлган меҳнат ресурсларидан фойдаланишнинг ижтимоий – иқтисодий самарадорлиги мезони ва кўрсаткичлари. Меҳнат ресурслари кўрсаткичларини таҳлили, прогнозлаш ва режалаштириш. Савдода ишловчиларнинг меҳнат унумдорлиги ва меҳнатнинг натижавийлиги, ҳамда уларни ҳисоблаш усули. Бозор иқтисодиёти шароитида

савдода меҳнатни меъёрлаш ва унинг хусусиятлари. Меҳнат меъёрлари, уларнинг турлари. Савдода ишловчиларнинг алоҳида тоифалари бўйича сонини аниқлаш тартиби. Савдода иш билан бандликни бошқариш механизми. Савдода ишловчиларни ижтимоий ҳимоялаш дастурини ишлаб чиқиш.

Савдода иш ҳақи маблағларининг шаклланиш механизми. Чакана савдо шаҳобчалари ишловчиларига иш ҳақи тўлаш. Улгуржи савдода ишловчиларга иш ҳақи тўлаш. Бошқариш аппарати ишловчилари меҳнатига ҳақ тўлаш. Бозорга иқтисодиёти шароитида хўжалик юритишнинг турли шаклларида ишловчилар меҳнатига ҳақ тўлашнинг хусусиятлари. Савдо ходимларини моддий рағбатлантириш тартиби. Моддий рағбатлантириш фондиди шаклланиши ва ишлатилиши тартиби. Савдода ишловчиларнинг иш ҳақи кўрсаткичларини таҳлил қилиш, прогнозлаш ва режалаштиришнинг тартиби ва услублари.

### **Савдо корхоналари даромадлари**

Савдо корхоналари даромадларининг моҳияти, аҳамияти. Даромадларнинг турлари. Асосий фаолиятдан олинган даромадлар – сотишдан олинган ва асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар таркиби. Асосий бўлмаган фаолиятдан, молиявий фаолиятдан олинган даромадлар тушунчаси. Фавқулотдаги даромадларни келиб чиқиши.

Чакана ва улгуржи савдо корхоналарининг даромадлилик даражасига таъсир қилувчи омиллар, уларни ҳисоблаш услуби. Савдо корхоналари, ташкилотлари ва алоҳида тадбиркорларнинг ялпи даромадларини таҳлили. Чакана ва улгуржи савдо корхоналарида ялпи даромадлари ҳажмини ва таркибини прогнозлаш ва режалаштириш. Савдо фаолияти даромадлигини ошириш йўллари.

### **Муомала ҳаражатлари**

Товар муомаласи соҳасидаги ижтимоий зарурий ҳаражатлар моҳияти. Муомала ҳаражатларининг мазмуни ва тавсифланиши. Муомала ҳаражатларининг даражаси ва динамикасига таъсир қилувчи омиллар ва уларни ҳисоблаш услуби. Муомала ҳаражатларининг умумий даражаси бўйича таҳлили. Муомала ҳаражатларини алоҳида моддалари бўйича таҳлил қилиш. Муомала ҳаражатларини прогнозлаштириш ва режалаштириш. Муомала ҳаражатларини умумий ҳажмини ва даражасини прогнозлаш ва режалаштириш. Муомала ҳаражатларини моддалари бўйича прогнозлаш ва режалаштириш усуллари. Бозор муносабатларининг ривожланиши шароитида савдо корхоналарида муомала ҳаражатларини тежашнинг асосий йўллари.

## **Савдо корхоналарини фойдаси ва рентабеллиги**

Савдонинг фойдаси, унинг мазмуни ва аҳамияти. Фойданинг шаклланиши ва ишлатилиши. Савдо корхоналари ва ташкилотлари фойдасига (рентабеллигига) таъсир қилувчи омиллар. Фойда ва рентабелликни таҳлили. Фойда ва рентабелликни прогнозлаш ва режалаштириш. Савдо фаолияти рентабеллигини ошириш йўллари.

## **Савдонинг самарадорлиги ва уни ошириш йўналишлари**

Савдо корхоналарининг ижтимоий-иқтисодий самарадорлиги моҳияти ва унинг аҳамияти. Савдода самарадорлик ва интенсивлашнинг мезон ива кўрсаткичлари. Савдо корхоналарини самарадорлигига таъсир қилувчи омиллар. Самарадорликни ошириш вазифалари ва йўллари. Бозор муносабаталрига ўтиш шароитида савдони интенсивлаш. Савдо корхоналарини самарадорлигини таҳлил қилиш услуги.

## **“КИЧИК БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИК” фани бўйича**

### **Кичик бизнес ва тадбиркорликнинг моҳияти ва мазмуни**

Кичик бизнес ва тадбиркорлик тушунчалари. Кичик бизнес ва тадбиркорликнинг моҳияти. Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятининг иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий асослари. Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг мақсади ва вазифалари. Кичик бизнес ва тадбиркорликни иқтисодиётда тутган ўрни. Ўзбекистонда кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари. Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватланиши. “Обод турмуш йили” Давлат дастурида ёшларни тадбиркорлик фаолиятига йўналтиришга қаратилган чора-тадбирлар.

### **Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятининг турлари ва шакллари**

Тадбиркорлик турлари. Ишлаб чиқариш тадбиркорлиги. Инновацион тадбиркорлик. Илмий техник тадбиркорлик. Товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш бўйича тадбиркорлик. Тижорат тадбиркорлиги. Молиявий тадбиркорлик. Маслаҳат тадбиркорлиги. Маслаҳат хизматлари.

Тадбиркорлик шакллари. Якка тартибдаги тадбиркорлик. Хусусий тадбиркорлик. Жамоа тадбиркорлиги. Фирмалар. Маъсулияти чекланган ва чекланмаган жамиятлар. Акциядорлик жамияти. Корпорация. Холдинг компания. Давлат корхоналари. Концерн. Консорциум. Бирлашма. Картел. Синдикат. Венчур корхоналар. Ижара корхоналар. Инжиниринг корхоналар.

## **Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш**

Кичик бизнес ва тадбиркорлик корхоналарини ташкил этиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби. Кичик бизнес субъектларини банк, солиқ ва молия муассасаларидан рўйхатдан ўтказиш учун зарур хужжатлар, уларнинг мазмуни. Кичик бизнес субъектларининг банкротлиги. Кичик бизнес ва тадбиркорлик корхоналарига лицензия берувчи ташкилотлар. Лицензия бериш муддатлари. Лицензияни бекор қилиш тартиби.

Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини бошқаришнинг мақсади ва вазифалари. Кичик бизнес ва тадбиркорлик корхоналари бошқарувининг ташкилий тузилмалари. Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини бошқариш усуллари ва қарорлар қабул қилиш жараёни.

### **Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларида маркетинг фаолиятини ташкил этиш**

Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятида маркетингнинг аҳамияти. Маркетинг – бизнес фалсафаси. Маркетингнинг бошқарув функцияси. Бозорни танлаш. Тадбиркорлик фаолиятида бозор сегментациясининг аҳамияти. Бозор сегментациясининг хусусиятлари. Бозорни сегментлашни ташкил этиш. Бозордаги мақсадли сегментни танлаш. Бозор имкониятларида бизнесдаги кучли томонларнинг мувофиқлиги. Товарнинг ҳаётийлик даври. Кичик бизнес ва тадбиркорлик тизимида реклама фаолиятини ташкил этиш. Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятида маркетинг тадқиқотларидан фойдаланиш. Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолияти учун маркетинг дастурини ишлаб чиқиш.

### **Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини режалаштириш**

Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини режалаштиришнинг мақсади ва вазифалари. Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини ривожланишида бизнес-режанинг аҳамияти. Бизнес-режанинг моҳияти, мазмуни ва тузиш зарурияти. Бизнес-режанинг асосий бўлимлари. Бизнес-режани бажарилишини назорат қилиш. Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини режалаштиришни такомиллаштириш.

Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини иқтисодий таҳлил қилишнинг мақсади ва вазифалари. Кичик бизнес ва тадбиркорлик корхоналари фаолиятини оператив ва стратегик таҳлил қилиш. Кичик бизнес ва тадбиркорлик корхоналари фаолияти самарадорлиги таҳлили.

## **Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатувчи бозор инфратузилмалари**

Инфратузилманинг моҳияти. Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатувчи бозор инфратузилмаси турлари. Брокерлик идоралари, улгуржи ва чакана савдо тузилмалари, лизинг, консалтинг ва суғурта компаниялари, божхона хизмати, ахборот – маслаҳат марказлари, инжинеринг ва аудиторлик фирмалари.

Ўзбекистоннинг банк-молия тизими. Банк-молия соҳасидаги ўзгаришлар. Банкларнинг асосий операциялари. Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожланишида банкларнинг роли. Банклардан кредит бериш тартиби.

Ўзбекистонда солиқ тизими. Умумдавлат ва маҳаллий солиқлар. Солиқ юкини камайтиришга қаратилган солиқ сиёсати. Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш. Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларидан олинадиган солиқ турлари. Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларидан солиқ олиш қоидалари ва солиқ имтиёзлари.

### **Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларида ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархи таҳлили**

Ишлаб чиқариш харажатларининг моҳияти таркиби ва элементлари. Кичик бизнес субъектларнинг ишлаб чиқариш, сотиш ва бошқа фаолияти натижасида юзага келадиган харажатларни туркумлаш. Ишлаб чиқариш харажатлари. Ноишлаб чиқариш харажатлари. Ички харажатлар. Ташқи харажатлар. Доимий харажатлар. Ўзгарувчан харажатлар. Бевосита харажатлар. Билвосита харажатлар. Маҳсулот таннархига киритиладиган харажатлар. Давр харажатлари. Молиявий фаолият бўйича харажатлар. Фавқулотда зарарлар. Маҳсулотни таннархи ва уни ҳисоблаш усуллари. Маҳсулот таннархини пасайтириш йўллари.

### **Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг молиявий фаолияти таҳлили**

Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг молиявий фаолияти кўрсаткичлари. Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг асосий молиявий хужжатлари. Баланс. Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари молиявий фаолиятини таҳлил қилиш. Молиявий таҳлилнинг турлари ва уларни ўтказиш услублари. Кичик бизнес ва тадбиркорликда молиявий режалаштиришнинг моҳияти, мақсади ва асосий кўрсаткичлари. Кичик бизнес ва тадбиркорликни молиялаштириш манбалари. Кичик бизнес субъектларини кредит билан таъминлаш шакллари. Кредит турлари. Кичик бизнес субъектларини молиялаштиришнинг бошқа манбалари ва улардан самарали фойдаланиш.

Ялпи даромад ва фойда. Фойданинг турлари. Кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасида фойда турларини таҳлил қилиш. Кичик бизнес ва

тадбиркорлик тизимида рентабеллик даражасини ҳисоблаш усуллари.

### **Тадбиркорлик этикаси ва маданияти**

Тадбиркор раҳбар этикаси. Тадбиркор раҳбарнинг этика кодекси. Ўзига жалб қилиш имиджи. Тадбиркор раҳбар фаолиятининг рухий-психологик хусусиятлари. Тадбиркор раҳбар этикети. Сухбатлашиш, танишиш ҳамда сўрашиш нормаси. Иш контрактларини ташкил қилиш. Иш суҳбатларини олиб бориш. Иш қоғозларини ёзиш. Телефонда гаплашиш маданияти. Иш баёни ва ҳисоботи. Тадбиркор раҳбарнинг нутқ маданияти ва унинг рухий-психологик хусусиятлари. Тадбиркор раҳбарнинг ташқи кўриниши ва ўзини тутиши. Тадбиркор раҳбар ва ходимлар ўртасидаги муносабатлар. Тадбиркор раҳбар фаолиятида можароли ҳолатлар ва уларни ҳал этиш усуллари.

### **Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг экспорт салоҳиятини баҳолаш**

Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларида экспортнинг ҳозирги ҳолати ва таҳлили. Экспортёр корхоналарнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши. Экспортёр корхоналарга яратилган шарт-шароитлар ва имтиёзлар. Экспортга маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар олдида турган муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари. Кичик бизнес корхоналарида экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш. Хорижда ўзбек савдо уйлари ташкил этиш. Экспорт кўрсаткичларини ҳисоблаш усуллари.

### **Ўзбекистонда кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш истиқболлари**

Ўзбекистонда кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришнинг Давлат дастури. Кичик бизнес ва тадбиркорликни миллий иқтисодиётнинг турли секторларида ривожланиши. Кичик ва йирик бизнес корхоналари ўртасида хўжалик алоқаларининг йўлга қўйилиши. Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришнинг хорижий мамлакатлар тажрибаси.

### **“КОРХОНА ИҚТИСОДИЁТИ” фани бўйича**

#### **“Корхона иқтисодиёти” курсининг мазмуни ва вазифалари**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Олий Мажлисга Мурожаатномаси”дан келиб чиққан ҳолда фаннинг мақсади ва вазифаси. 2017–2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантириш ҳаракатлар стратегиясининг ижтимоий-иқтисодий масалаларидир. Иқтисодиёт фан ва ишлаб чиқариш фаолиятининг соҳаси сифатида. “Корхона иқтисодиёти” – иқтисодий фаннинг таркибий қисми ва билимлар соҳаси таркибий қисми.

“Корхона иқтисодиёти” курсининг мазмуни, вазифалари ва бошқа фанлар билан алоқаси.

### **Корхона – мустақил хўжалик юритувчи бозор субъекти**

Миллий иқтисодиёт ривожланишида ва жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан чиқишда корхонанинг ўрни ва роли. Корхонанинг белгилари, функциялари ва вазифалари. Корхоналарни таснифлаш. Корхона тузилмаси ва уни белгиловчи омиллар.

### **Корхонани ташкил этиш ва унинг фаолиятини тугатиш.**

Корхонани ташкил қилиш тамойиллари. Таъсис хужжатлари. Корхоналарнинг давлат томонидан рўйхатга олиниши ва унга инқироз шароитида енгилликлар киритилиши. Корхоналарни тугатиш ва қайта ташкил қилиш.

### **Корхона фаолиятига таъсир этувчи шарт шароитлар**

Корхона фаолиятига таъсир этувчи шарт –шароитлар ҳақида тушунча ва улар тавсифи. Ташқи ва ички омиллар ва уларнинг корхона фаолияти натижаларига таъсири. Корхона иқтисодиётининг барқарор ривожланишининг асосий йўналишлари.

### **Корхонани бошқариш. Корхона фаолиятини бошқаришнинг зарурияти, мақсад ва вазифалари**

Бошқарув замонавий корхоналар фаолиятида объектив зарурият сифатида. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида корхонани бошқаришнинг тамойиллари, мақсад ва вазифалари.

### **Корхонани бошқаришнинг хусусиятлари ва ташкилий тузилмалари**

Бошқарувнинг ташкилий тузилмалари ва функциялари. Корхонани бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари. Корхонани бошқаришни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари.

### **Корхонани фаолиятини режалаштириш ва башорат қилиш. Корхона фаолиятини режалаштириш ва башорат қилишнинг зарурияти, тамойиллари ва вазифалари**

Бозор иқтисодиёти шароитларида режалаштириш ва башорат қилишнинг

иқтисодий табиати ва объектив зарурияти. Корхонада режалаштиришнинг услубий асослари, тамойиллари ва вазифалари. Корхона ишлаб чиқариш дастурини тайёрлаш.

### **Корхона режалари тузилмаси**

Режалаштириш технологияси ва корхона режалари тузилмаси. Бизнес-режа, унинг мазмуни ва ишлаб чиқиш тартиби. Корхоналарда режалаштириш ва башорат қилиш.

### **Ишлаб чиқаришнинг иқтисодий ва ижтимоий самарадорлиги**

Самарадорлик – корхона ишлаб чиқариш фаолиятида муҳим ўлчов бирлигидир. Хўжалик юритиш самарадорлигининг мезон ва кўрсаткичлари. Корхона фаолияти самарадорлигини ошириш йўллари ва омиллари.

### **Корxonанинг асосий фондлари ва ишлаб чиқариш қуввати. Корхона асосий фондларининг моҳияти, таркиби ва тузилмаси**

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президент И.А.Каримовнинг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли асарларидан келиб чиқиб корхона асосий фондларининг моҳияти ва уларнинг корхона фаолиятидаги ўрнини ўрганиш. Корхонада асосий фондларнинг эскириши, уларни баҳолаш ва таъмирлаш. Асосий фондлардан фойдаланишни яхшилаш йўллари ва кўрсаткичлари. Корxonанинг ишлаб чиқариш қуввати.

### **Корxonанинг асосий фондлардан фойдаланишни яхшилаш йўллари**

Корхонада асосий воситалар ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар. Корхонада асосий воситалар билан таъминланганликни ифодаловчи кўрсаткичлар. Корхонада асосий воситалар самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар.

### **Корxonанинг айланма маблағлари. Корхона айланма маблағларининг моҳияти, таркиби ва нормалаштиришлиши**

Айланма маблағлар тушунчаси, иқтисодий табиати ва уларнинг корхона фаолиятидаги аҳамияти. Айланма маблағларнинг тузилмаси ва ҳаракати ҳамда уларнинг корхона иқтисодиётига таъсири. Айланма маблағларни нормалаштириш. Айланма маблағлардан фойдаланиш кўрсаткичлари ва уларнинг айланишини тезлаштириш йўллари.

## **Ишлаб чиқариш корхоналари айланма маблағларидан фойдаланишни яхшилаш йўллари**

Корхонада айланма маблағлар ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар. Корхонада айланма маблағлар билан таъминланганликни ифодаловчи кўрсаткичлар. Корхонада айланма маблағлар самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар

### **Корхонада кадрлар ва меҳнатга ҳақ тўлаш**

Корхонанинг кадрлар салоҳияти. Бозор иқтисодиёти шароитларида корхонанинг кадрлар сиёсати. Корхонада меҳнатга ҳақ тўлаш. Корхона меҳнат салоҳияти самарадорлигини баҳолаш мезонлари. Меҳнат салоҳиятини ифодаловчи кўрсаткичлар, уларнинг таснифи ва аниқлаш йўллари.

### **Ишлаб чиқариш корхоналари маҳсулотининг сифати ва унинг рақобатбардошлиги**

Сифат тушунчаси ва сифатни ошириш зарурияти. Маҳсулотнинг сифат кўрсаткичлари ва уларни баҳолаш усуллари. Маҳсулот сифатини бошқариш ва уни ошириш йўллари. Стандартлаштириш, сертификатлаштириш, аттестация ва назорат қилиш.

### **Ишлаб чиқариш корхоналарида баҳо ва баҳолаш**

Баҳо – бозор муносабатларининг иқтисодий категорияси сифатида. Баҳо тушунчаси ва унинг функциялари. Баҳонинг турлари ва тузилиши (структураси).

### **Корхона фаолиятини харажатлари, даромади ва рентабеллиги. Ишлаб чиқариш корхоналари фаолияти харажатлари**

Харажатлар тушунчаси ва уларнинг таснифланиши. Моддий харажатлар. Меҳнат харажатлари. Ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган устама харажатлар.

### **Ишлаб чиқариш корхоналарининг даромадлари, фойдаси ва рентабеллиги**

Фойда ва унинг шаклланиш манбалари ва тақсимланиш тартиби. Рентабелликнинг моҳияти ва асосий кўрсаткичлари. Рентабелликнинг қўшимча кўрсаткичлари. Иқтисодиёт фанининг ривожланишига катта ҳисса қўшган, чет эл ва юртимиз иқтисодчи олимлари асарлари асосида ишлаб

чиқариш харажатларини ҳисоблаш услуги ва маҳсулот бирлиги таннархи калкуляцияси, таннархни камайтириш йўллари.

### **Корxonанинг инвестицион фаолияти**

Инвестициялар корхона ишлаб чиқариш салоҳиятини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш воситаси сифатида. Корхонада инвестициялашнинг асосий манбалари ва йўналишлари. Корхонада капиталлашган инвестициялар. Корхонада капиталлашган инвестицияларни баҳолаш ва қайта баҳолаш.

Инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш. Инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш услублари. Корхонада инвестициялар портфелини шакллантириш. Капитал қўйилмалар бўйича инвестиция қарорларини тайёрлаш. Инвестицияга доир пул оқимлари ва уларни дисконтлаштириш

### **Корxonанинг иқтисодий хавфсизлиги ва тижорат сир**

Корхона хавфсизлигини таъминлашнинг мақсади, вазифалари ва тамойиллари. Корхона хавфсизлигини таъминлашнинг ташкил этиш ва бошқариш. Корхона хавфсизлик хизматлари, унинг тузилиши ва вазифалари. Корxonанинг тижорат сирлари.

### **5А 230102 “Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)” мутахассислиги бўйича мутахассислик фанларидан магистратурага кириш синовлари НАЗАРИЙ САВОЛЛАРИ**

1. Иқтисодиёт тушунчаси ва моҳияти.
2. Тармоқлар иқтисодиёти мутахассислигининг иқтисодиётдаги аҳамияти.
3. Мамлакатимиз иқтисодиётига сунгги йилларда киритилган капитал қўйилмаларнинг таркиби ва умумий ҳажми ҳамда ЯИМга нисбатан даражаси.
4. Товар муомаласи соҳасининг моҳияти.
5. Бозор иқтисодиётининг моҳияти.
6. Бозорнинг турлари.
7. Бозор субъектлари.
8. Савдода меҳнатни ижтимоий - иқтисодий моҳияти ва аҳамияти.
9. Истеъмол товарлари таклифи тушунчаси, унинг моҳияти ва аҳамияти.
10. Истеъмол товарлари таклифининг манбалари.
11. Ўзбекистонда истеъмол товарлари таклифини шаклланиш тенденциялари.
12. Чакана товар айланиши тушунчаси ва моҳияти.

13. Чакана товар айланиши тавсифи.
14. Чакана товар айланиши ижтимоий – иқтисодий аҳамияти.
15. Чакана товар айланиши таркиби.
16. Улгуржи товар айланишининг мазмуни ва турлари.
17. Улгуржи товар айланишининг кўрсаткичлари ва уларни тавсифи.
18. Улгуржи товар айланишини таҳлилининг мақсади ва босқичлари.
19. Иқтисодий ишнинг моҳияти, мазмуни ва аҳамияти.
20. Иқтисодий ахборотлар таркибида статистиканинг аҳамияти.
21. Иқтисодий ахборотлар тушунчаси, турлари ва аҳамияти.
22. Бозор муносабатларига ўтиш шароитида иқтисодий фанларнинг ўрни ва аҳамияти.
23. Ички савдо иқтисодиёти фанининг бошқа иқтисодий фанлар билан боғлиқлиги.
24. Ички савдо иқтисодиёти фанининг объекти ва предмети.
25. Ички савдо иқтисодиёти фанининг усуллари.
26. Савдонинг моҳияти, функциялари.
27. Савдонинг ижтимоий шакллари, ташкилий иқтисодий таснифи.
28. Савдонинг иқтисодиётда тутган ўрни.
29. Шахсий истеъмолни қондиришда савдонинг аҳамияти.
30. Иш ҳақи тушунчаси, моҳияти ва аҳамияти.
31. Иш ҳақини ташкил қилиш қоидалари.
32. Муомала харажатларининг таснифи.
33. Харажатлар тушунчаси ва муомала харажатларининг моҳияти, табиати ва кўрсаткичлари.
34. Савдо корхоналарининг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини моҳияти ва аҳамияти.
35. Оммавий овқатланишни моҳияти, функциялари ва вазифалари.
36. Оммавий овқатланишни иқтисодиётда тутган ўрни ва аҳамияти.
37. Оммавий овқатланиш корхоналарини кўрсаткичлар.
38. Оммавий овқатланишни ташкилий шакллари ва корхоналарининг турлари.
39. Оммавий овқатланиш корхоналарининг товар айланиши кўрсаткичларининг хусусиятлари.
40. Оммавий овқатланиш корхоналарида товар заҳираларининг хусусиятлари.
41. Оммавий овқатланиш корхоналарида товар айлашни режалаштириш ва ишлаб чиқариш дастури.
42. Оммавий овқатланиш корхоналарида хом ашё таъминоти ва махсулотлари баланси.

43. Оммавий овқатланишда айланма маблағларни моҳияти, шаклланиши, ишлатилиши ва кўрсаткичлари.
44. Оммавий овқатланиш соҳаси харажатларининг хусусиятлари.
45. Инвестиция манбалари ва уларнинг корхонага қўйиш соҳалари.
46. Меҳнат унумдорлиги концепцияси ва унинг корхона фаолиятидаги аҳамияти.
47. Меҳнат самарадорлиги кўрсаткичларининг таснифи ва тавсифи.
48. Инвестицияларнинг моҳияти ва турлари.
49. Тадбиркорликни тушунчаси моҳияти ва аҳамияти.
50. Тадбиркорликнинг субъектлари, шакллари ва турлари.
51. Тадбиркорликнинг келиб чиқишининг ҳуқуқий асослари.
52. Ўзбекистонда тадбиркорликни кўллаб – қувватлаш йўналишлари.
53. Тадбиркорлик ва рақобат.
54. Хизмат соҳасида тадбиркорлик фаолиятининг шакллари.
55. Хизмат соҳасида тадбиркорлик фаолияти самарадорлигининг мезони ва кўрсаткичлари.
56. Тадбиркорликнинг моҳияти ва ривожланиш тарихи.
57. Тадбиркорлик фаолиятининг иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий асослари.
58. Ишлаб чиқариш тадбиркорлиги.
59. Тижорат тадбиркорлиги.
60. Молиявий тадбиркорлик.
61. Консалтинг тадбиркорлик.
62. Тадбиркорликнинг шакллари.
63. Бошқарув таркиби, бошқарув бўғини ва бошқарув босқичи.
64. Чизикли (поғонали) таркиб.
65. Чизикли–штабли таркиб.
66. Функционал таркиб.
67. Дастурли-мақсадли таркиб.
68. Матрицали таркиб.
69. Тадбиркорлик фаолиятида маркетинг тадқиқотларининг моҳияти.
70. Бизнес режанинг моҳияти ва асосий бўлимлари таснифи.
71. Кичик корхоналар фаолиятини иқтисодий таҳлил қилиш асослари.
72. Инфратузилма тўғрисида умумий тушунча.
73. Инфратузилманинг тавсифланиши.
74. Тадбиркор раҳбар фаолиятининг руҳий-психологик хусусиятлари.
75. Самарадорлик тушунчаси ва моҳияти.
76. Ишлаб чиқариш самарадорлигини мезонлари ва кўрсаткичлари.

77. Корхона иқтисодий хавфсизлиги тушунчаси ва таснифи.
78. Корхона иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш концепцияси.
79. Корхонанинг тижорат сири моҳияти.
80. Корхона тушунчаси ва белгилари.
81. Корхоналар фаолиятини лицензиялаш.
82. Давлат корхоналарини ислоҳ қилиш.
83. Корхона фаолиятини истеъмолчилар талабига йўналтириш.
84. Корхонани ташкил этиш қоидалари.
85. Корхона мулки нима.
86. Корхонанинг молиявий барқарорлиги.
87. Корхонанинг ташки иқтисодий шартномалари.
88. Корхона хавфсизлигини таъминлашнинг максади ва вазифалари.
89. Режалаштириш принциплари.
90. Режалаштиришнинг методлари.
91. Режалаштиришнинг кўрсаткичлари.
92. Корхонада режалаштириш тизими ва режанинг турлари.
93. Корхона режасининг бўлимлари ва кўрсаткичлари.
94. Бизнес-режа тушунчаси, турлари ва таркиби.
95. Баҳо тушунчаси, моҳияти, турлари ва аҳамияти.
96. Баҳони шаклланиши ва белгилашни методологияси.
97. Баҳо ва инфляция.
98. Хизмат соҳаси корхоналари даромадларининг моҳияти, аҳамияти.
99. Хизмат соҳасининг фойдаси, унинг мазмуни ва аҳамияти.
100. Ресурслар тушунчаси ва таркиби.

## АМАЛИЙ САВОЛЛАР

1. Макроиқтисодий кўрсаткичлар тизими ёритиб беринг.
2. Миллий даромодни аниқлаш усулларини кўрсатинг.
3. Бозор иқтисодиёти қоидалари (принциплари) ёритиб беринг.
4. Бозор тушунчаси, бозорнинг функциялари ва элементлари ажратиб кўрсатинг.
5. Такрор ишлаб чиқаришда айрибошлаш ва унинг аҳамияти изоҳлаб кўрсатинг.
6. Бозор муносабатлари шаклланиши шароитида хизмат ва сервиснинг тутган ўрни ёритиб беринг.
7. Савдода меҳнат ресурсларини шаклланиши ва кўрсаткичларини аниқлаб кўрсатинг.

8. Савдода меҳнат ресурсларини таҳлили ва режалаштириш қандай амалга оширилади.
9. Эҳтиёж тушунчаси, таркиби, турлари ва уларни ўрганишнинг аҳамияти изоҳлаб кўрсатинг.
10. Талаб тушунчаси, талабга таъсир қилувчи омиллар, уни ўрганиш ва прогнозлаш усуллари аниқлаб кўрсатинг.
11. Аҳолининг даромадлари ва харажатларини аниқлаш усуллари изоҳлаб кўрсатинг.
12. Аҳолининг минимал истеъмол саватчаси тушунчаси, ўрганиш усули ва аҳамияти ажратиб кўрсатинг.
13. Истеъмол товарлари таклифини режалаштириш моҳиятини ажратиб кўрсатинг.
14. Чакана товар айланишининг ривожланиш тенденциялари изоҳлаб кўрсатинг.
15. Чакана товар айланиши кўрсаткичлари ва уларни баланс боғлиқлиги ажратиб кўрсатинг.
16. Чакана товар айланишини таҳлил қилиш вазифалари ва усулларини ажратиб кўрсатинг.
17. Чакана товар айланишига таъсир қилувчи омиллар таҳлилин аниқлаб кўрсатинг.
18. Чакана товар айланишини умумий ҳажмини таҳлилин кўрсатинг.
19. Товар захиралари тушунчаси, турлари ва кўрсаткичларини ажратиб кўрсатинг.
20. Товар захиралари кўрсаткичларига таъсир қилувчи омиллар ажратиб кўрсатинг.
21. Товарларни келиши тушунчаси, манбалари ва унинг таҳлилин ажратиб кўрсатинг.
22. Товар захираларининг таҳлилин аниқлаб кўрсатинг.
23. Чакана товар айланишини узоқ муддатга прогнозлаш тартибини келтиринг.
24. Чакана товар айланишини жорий режалаштириш қандай амалга оширилади.
25. Чакана товар айланиши таркиби (ассортименти)ни прогнозлаш ва режалаштириш қандай амалга оширилади.
26. Товар захираларни нормалаштириш усуллари нима учун зарур.
27. Товарлар келишини режалаштириш турларин аниқлаб кўрсатинг.
28. Товар захираларини кварталлар бўйича режалаштириш аниқлаб кўрсатинг.

29. Улгуржи товар айланиш кўрсаткичларини режалаштиришни аниқлаб кўрсатинг.
30. Иқтисодий таҳлилни мазмуни, вазифалари ва усуллари ажратиб кўрсатинг.
31. Иш ҳақининг шакллари, тизими ва ҳисоблаш усулларини ажратиб кўрсатинг.
32. Иш ҳақи фондини режалаштириш қандай амалга оширилади.
33. Иш ҳақи фонди қандай таҳлил қилинади.
34. Муомала харажатларига таъсир қилувчи омилларини ажратиб кўрсатинг.
35. Муомала харажатлари қандай режалаштириш мумкин.
36. Оммавий овқатланиш корхоналарининг товар айланиши ва маҳсулотлари ишлаб чиқаришини таҳлили қандай амалга оширилади.
37. Оммавий овқатланишда асосий фондларни хусусиятлари, уларнинг баҳоланиши ва кўрсаткичларини ажратиб кўрсатинг.
38. Оммавий овқатланишда даромадларнинг шаклланиш хусусиятларини аниқлаб кўрсатинг.
39. Оммавий овқатланишда фойда ва рентабелликни ажратиб кўрсатинг.
40. Инвестицияларга оид тушунчалар мазмуни, инвестиция таснифи, аҳамияти, инвестицион “портфели” ва сиёсатини ажратиб кўрсатинг.
41. Инвестициявий лойиҳалар самарадорлиги кўрсаткичлари, уларни аниқлаш, баҳолаш ва самарадорлигини ошириш йўллари аниқлаб кўрсатинг.
42. Рақобатчилар тўғрисида ахборот олиш услубларини ёритиб беринг.
43. Корхоналар тижорат сирини ҳимоя қилиш механизмининг изоҳланг.
44. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг қоидалари, шартлари ва корхонада иш ҳақини тартибга солишни ажратиб кўрсатинг.
45. Иқтисодий тузимнинг турли моделларини ажратиб кўрсатинг.
46. Тадбиркорликнинг умумий қоидалари аниқлаб ёритинг.
47. Республикада касаначилик ва унинг ривожланиш истиқболлари ёритинг.
48. Тадбиркорлик муҳити ва унга таъсир этувчи омилларни ажратиб кўрсатинг.
49. Янги корхонани бошқариш тартибини ажратиб кўрсатинг.
50. Кичик бизнес ва тадбиркорликда раҳбарнинг бошқарув услубини аниқлаб кўрсатинг.
51. Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятида маркетингнинг аҳамияти ва функциялари ажратиб кўрсатинг.

52. Маркетингни таркибий тузилиши ва уни бошқаришни ташкил этишни ажратиб кўрсатинг.
53. Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини режалаштиришнинг мақсади ва вазифаларини ажратиб кўрсатинг.
54. Республикада инфратузилманинг замонавий ҳолати қандай ва муаммолари нималардан иборат.
55. Ишлаб чиқариш харажатларининг моҳияти, таркиби ва элементлари.
56. Маҳсулот таннархи ва уни ҳисоблаш усуллари аниқлаб кўрсатинг.
57. Маҳсулот таннархини пасайтиришнинг йўллари ёритиб беринг.
58. Кичик бизнес ва тадбиркорликнинг молиявий фаолиятини ифодалувчи кўрсаткичлар ажратиб кўрсатинг.
59. Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятининг молиявий таҳлили қандай амалга оширилади.
60. Тадбиркор раҳбар фаолиятида можароли ҳолатлар ва уларни ҳал этиш усуллари.
61. Тадбиркорнинг ишбилармон этикаси, маданияти ва обриси.
62. Экспортнинг товар ва географик таркибини такомиллаштириш
63. Кичик бизнесни ривожлантириш борасида амалга оширилган чора-тадбирларнинг натижаси
64. Кичик бизнесни жадал ривожлантириш, унинг иқтисодий ривожланишдаги ролини ошириш.
65. Ёшларни кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасига кенг жалб қилишнинг зарурлиги ва аҳамияти ёритиб беринг.
66. Бозор муносабатлари шароитида самарадорликни оширишнинг ўрни ва аҳамияти.
67. Ишлаб чиқаришнинг ижтимоий ва иқтисодий самарадорлигини ошириш йўллари.
68. Корхона иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг мақсади ва вазифалари
69. Корхоналарнинг шакллари ва турлари.
70. Корхона фаолиятига таъсир килувчи омиллар.
71. Хўжалик механизми тушунчаси ва унинг моҳияти.
72. Хўжалик механизмининг асосий элементлари, уларнинг тавсифи ва ўзаро алоқаси.
73. Ўзбекистонда бозор иқтисодиётини шакллантириш механизмини ўзига хос хусусиятлари.
74. Мамлакатимизда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган тадбирлар.

75. Инқирозга қарши чоралар дастури, қўйилган вазифалар, уларни амалга ошириш салоҳияти ва молиялаштириш манбалари.
76. Хизмат соҳаси корхоналари ва ташкилотлари фаолиятини таҳлил қилишнинг мазмуни ва вазифалари.
77. Иқтисодий ахборотлар тушунчаси, турлари ва иқтисодий ишдаги аҳамияти.
78. Бозор иқтисодиёти шароитида хизмат соҳасида прогнозлаштириш ва режалаштириш.
79. Прогнозлаштириш ва режалаштиришнинг умумий қоидалари.
80. Прогнозлаштириш ва режалаштиришнинг турлари ва босқичлари.
81. Баҳонинг элементлари.
82. Таннарх тушунчаси, унинг элементлари, бозор иқтисодиёти шароитида шаклланиши.
83. Баҳони давлат томонидан тартибга солиниши.
84. Асосий фаолиятдан олинган даромадлар сотишдан олинган ва асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар таркиби.
85. Фавқулотдаги даромадларни келиб чиқиши ва таркиби.
86. Хизмат соҳаси корхоналари, ташкилотлари ва алоҳида тадбиркорларнинг ялпи даромадларини таҳлили.
87. Хизмат соҳаси корхоналарида ялпи даромадлар ҳажмини ва таркибини прогнозлаш ва режалаштириш.
88. Фойданинг шаклланиши ва ишлатилиши.
89. Хизмати соҳаси корхоналари ва ташкилотлари фойдасига (рентабеллигига) таъсир қилувчи омиллар.
90. Фойда ва рентабелликни таҳлили.
91. Фойда ва рентабелликни прогнозлаш ва режалаштириш.
92. Хизмат соҳаси корхоналари рентабеллигини оширишнинг иқтисодиётга таъсири.
93. Асосий фондларнинг кўрсаткичларини ажратиб кўрсатинг.
94. Хўжалик фаолиятини таҳлил қилишнинг усул ва услублари қандай фарқланади.
95. Баҳонинг элементлари нималардан иборат.
96. Даромадларнинг турлари ажратиб кўрсатинг.
97. Асосий фондлар тушунчаси, таркиби ва баҳоланиши
98. Айланма фондлар (маблағлар) таркиби нималардан ташкил топади.
99. Молиявий ресурсларнинг манбалари аниқлаб кўрсатинг.
100. Молиявий ресурсларнинг кўрсаткичларини ажратиб кўрсатинг.

## МАСАЛАЛАР

### 1 – МАСАЛА

Жомбой туман «Тумансавдо» ишлаб чиқариш савдо бирлашмаси (ИЧСБ) га қарашли 25 та дўконнинг йиллик маълумотларига асосланиб товар айланиши режасининг бажарилишини гуруҳларга ажратинг. Гуруҳлаш учун қуйидаги маълумотлардан фойдаланинг (1-Жадвал):

1-Жадвал

#### Жомбой туман «Тумансавдо» ИЧСБ товар айланиши режасининг бажарилиши

Дуко нлар	Товар айланиши, минг сўм		Режа бажарилиши, %
	Режада	Хақиқатда	
1.	10397,0	11400,3	
2.	12036,4	10439,7	
3.	1988,0	2215,3	
4.	8294,8	8997,0	
5.	18135,4	18135,4	
6.	12180,0	13927,6	
7.	9356,0	12136,1	
8.	1502,0	1904,2	
9.	13320,0	13886,0	
10.	4429,0	6434,5	
11.	22405,7	22916,7	
12.	88112,2	92124,3	
13.	6275,0	6386,1	
14.	13652,0	13652,0	
15.	31546,7	28437,8	
16.	10441,0	13476,2	
17.	3586,0	3894,5	
18.	22306,4	23862,5	
19.	14348,6	14348,6	
20.	56123,4	55196,3	
21.	41456,5	32405,9	
22.	1356,1	1200,4	
23.	78355,0	85364,2	
24.	63130,0	60595,9	
25.	12468,4	16068,3	
<b>Жам и:</b>			

Ушбу маълумотларга асосланиб, дўконларни уч гуруҳга бўлинг:  
- режани ошириб бажарган;

- режани бажарган;
- режани бажармаган.

Ҳар бир гуруҳдаги дўконлар сонини, «Тумансавдо» ишлаб чиқариш савдо бирлашмаси бўйича товар айланиши режасининг бажарилишини, ҳар бир дўкон гуруҳлари бўйича ўртача товар айланиши режасининг бажарилишини ҳисоблаб чиқинг. Масаланинг ечимини жадвалда ифода қилиб, хулоса ёзинг.

## 2 – МАСАЛА

Самарқанд вилояти «Вилоятсавдо» ассоциациясига қарашли туман «Тумансавдо» ишлаб чиқариш савдо бирлашмаларининг товар айланиши, жон бошига тўғри келадиган товар айланиши ва ходимлар сони ҳақидаги маълумотлар 2-жадвалда келтирилган.

Туман «Тумансавдо» ишлаб чиқариш савдо бирлашмалари товар айланиши ҳажми бўйича тартибга солинган қатор шаклида тасвирлансин ҳамда шу белги билан қийматларнинг ўсиб боришга қараб тақсимот қаторлари тузилсин.

**Тақсимот қаторлари тузишда қуйидагича оралиқ қабул қилинсин:**

а) товар айланиши бўйича: 550,0 млн. сўмгача ; 550,1 млн. сўмдан 800,0 млн. сўмгача; 800,1 млн. сўмдан 2320,0 млн. сўмгача ва 2320,0 млн. сўмдан юқори.

б) аҳоли жон бошига тўғри келадиган товар айланиши бўйича: 3000,0 сўмгача ; 3001,0 сўмдан 4000,0 сўмгача; 4001,0 сўмдан 8000,0 сўмгача ва 8001,0 сўмдан юқори.

в) Ходимлар сони бўйича: 35 кишигача; 35 кишидан 50 кишигача; 50 кишидан 150 кишигача ҳамда 151 киши ва ундан ортиқ.

Тақсимот қаторларининг натижаларини график усулда тасвирланг ва хулоса ёзинг.

### 2- Жадвал

**Самарқанд вилояти «Вилоятсавдо» ассоциациясига қарашли туман «Тумансавдо» ИЧСБ ларнинг товар айланиши, жон бошига тўғри келадиган товар айланиши ва ходимлар сони ҳақидаги маълумотлар**

«Тумансавдо» ИЧСБ тартиб рақами	Товар айланиши, минг сўм	Жон бошига тўғри келадиган товар айланиши, сўм	Ходимлар сони, киши
1.	1423894	3889	90
2.	1867523	11871	150
3.	2679662	5475	154
4.	2323811	10900	173
5.	1408376	5014	116
6.	614799	5003	68

7.	1853467	3629	52
8.	193094	5042	101
9.	1701078	2623	8
10.	678769	5159	14
11.	1113916	3020	190
12.	2358109	3533	69
13.	1221154	7276	106
14.	136531	5760	103
15.	1339188	8027	80
Жами:	20913371	аниқлансин	1474

### 3-МАСАЛА

Савдо корхонаси (ташкilotи) га қарашли дўконларнинг чакана товар айланиши ва сотувчиларининг сони ҳақидаги маълумотлар қуйдаги жадвалда (3-жадвал) келтирилган:

#### 3-Жадвал

#### Савдо дўконларининг чакана товар айланиши ва сотувчиларнинг ўртача сони

Дўконларнинг тартиб рақами	Чакана товар айланиши, минг сўм	Сотувчиларининг рўйхатдаги ўртача сони, киши
1.	12720,0	2
2.	15876,0	3
3.	39485,0	6
4.	8430,0	1
5.	2560,0	1
6.	9910,0	2
7.	18775,0	5
8.	50200,0	9
9.	4000,0	2
10.	10580,0	3
11.	14500,0	4
12.	23400,0	4
13.	24240,0	4
14.	27445,0	4
15.	33556,0	5

Қаторларни ўсиб борувчи тартибда: чакана товар айланишининг ҳажми ва сотувчиларнинг рўйхатдаги ўртача сони бўйича тузинг.

#### 4-МАСАЛА

4-Жадвалда берилган маълумотлар асосида Самарқанд вилоят «Вилоятсавдо» ассоциациясига қарашли туманлардаги «Тумансавдо» ишлаб чиқариш савдо бирлашмаларининг товар айланиши режасининг бажарилиш фоизини ва ўтган йилга нисбатан ўзгаришини ҳар бир ташкилотлар бўйича ва умуман вилоят бўйича ҳисобланг.

#### 4-жадвал

#### Самарқанд вилоят «Вилоятсавдо» ассоциациясига қарашли туманлардаги «Тумансавдо» ИЧСБ ларнинг товар айланиши

Т /р	Туманлар	Ўтган йилга товар айланиши, минг сўм	Ҳисобот йили товар айланиши, минг сўм	
			Режада	Ҳақиқатда
1.	Самарқан д	3556424,0	4029000,0	3917717,0
2.	Каттакўр ғон	6497415,0	7170254,0	7102053,0
3.	Пастдарғ ом	3797396,0	4234501,0	4316237,0
4.	Нарпай	5501918,0	6066359,0	6094654,0
5.	Пахтачи	5794025,0	6280477,0	6330405,0
6.	Булунғур	8672808,0	9585163,0	9589661,0
7.	Жомбой	4947375,0	5237357,0	5273464,0
8.	Оқдарё	5238363,0	5944853,0	5885889,0
9.	Пайарик	7232264,0	7684205,0	7880779,0
10.	Иштихон	6921163,0	7581644,0	7724880,0
11.	Нуробод	3422028,0	3768000,0	3802045,0
12.	Тайлоқ	4658359,0	4995860,0	5023409,0
13.	Ургут	4608045,0	4809044,0	4745346,0
	Жами:			

#### 6-МАСАЛА

6-Жадвалда берилганлар асосида савдо корхонасининг ҳисобот йилидаги ҳақиқий чакана товар айланиши ҳажмини умумий ва ҳар бир товар гуруҳлари бўйича аниқланг.

#### 6-Жадвал

#### Савдо корхонасининг чакана товар айланиши таркиби

/р	Чакана савдо шахобчалари	Ўтган йилги чакана	Ҳисобот йили товар айланиши, минг сўм	Фарқи
----	--------------------------------	--------------------------	---	-------

	товар айланиши, минг сўм	Режа да	Ҳақиқа да	Ўсиш суръати, %	Режа бажари- ли ши, %
Кундалик эҳтиёж моллари	1586,4	1594,5		103,4	
Хўжалик моллари	963,5	970,6		100,5	
Мебель	3468,0	3400,3		93,0	
Озиқ-овқат товарлари	1555,9	1580,0		105,6	
Спорт товарлари	743,5	750,6		90,2	
Концелярия моллари	565,8	571,4		110,3	
Жами:					

## 7-МАСАЛА

Савдо корхонасининг чакана товар айланишининг олдинги йилги кўрсаткичлари ҳамда ҳисобот йилидаги ўсиш суръатлари 7-жадвалда келтирилган.

### 7-Жадвал

#### Савдо корхонасининг чакана товар айланиши кўрсаткичлари

	Чораклар				Йилли к
	I	II	III	IV	
Олдинги йил чакана товар айланиши, минг сўм	167570 2	160406 3	175238 1	172983 1	676119 7
Ҳисобот йилидаги ўсиш суръати, %	98,1	106,5	101,3	102,2	

Қуйидагиларни аниқланг:

- ҳисобот йили чакана товар айланишининг чораклик ва йиллик ҳажми;
- чораклар бўйича чакана товар айланишининг йиллик чакана товар айланиши ҳажмидаги салмоғини олдинги йил ва ҳисобот йили учун;
- масаланинг ечимини жадвалда ифода этинг ва хулоса ёзинг.

## 8-МАСАЛА

Савдо корхонасининг чакана товар айланиши ҳисобот йилида аввалги

йилга нисбатан 8% га, шу жумладан озик-овқат маҳсулотлари гуруҳи бўйича 3% га ошган, ўтган йилдаги жами чакана товар айланишида озик - овқат маҳсулотларининг салмоғи 52% ни ташкил қилган.

Қуйидагиларни аниқланг:

а) ҳисобот йили чакана товар айланишида озик-овқат маҳсулотлари ва озик-овқат жумласига кирмайдиган товарларнинг салмоғи;

б) озик-овқат жумласига кирмайдиган товарлар бўйича чакана товар айланиши ҳисобот йилида аввалги йилга нисбатан фоиз ҳисобида қандай ўзгарган.

## 9-МАСАЛА

Маданий моллар билан савдо қилувчи дўкон товар айланишида радиоприёмник, радио ва телевизорлар сотишнинг салмоғи I-чоракда 45 % ни, II-чоракда эса 43% ни ташкил қилади. Дўконнинг I-чоракдаги товар айланиши 6000,0 минг сўмни ташкил қилади. II - чоракда товар айланиши I-чоракка нисбатан 108% га ошиши кўзда тутилади. I - ва II-чораклардаги радиоприёмник, радиолар ва телевизорлар сотиш ҳажмини аниқланг.

## 10-МАСАЛА

10-жадвал маълумотларига асосан қуйидагиларни аниқланг:

а) умумий чакана товар айланиши таркибида товар гуруҳларининг салмоғини;

б) умумий чакана товар айланиши ва ҳар бир товар гуруҳлари бўйича ўсиш суръатини (%) ва фарқини.

### 10-Жадвал

#### Савдо корхонасининг чакана товар айланиши таркиби

*минг сўм ҳисобида*

Товар гуруҳлари	Ўтган йил	Ҳисобот йили	Ўзгариши	
			Фарқи (+, -)	Ўсиш суръати, %
Озик-овқат маҳсулотлари	214530,0	31750,0		
Ноозик-овқат товарлари	25890,0			
Жами:		60762,0		

## 11-МАСАЛА

11-Жадвалда берилганларга асосан савдо корхонасининг умуман ва товар гуруҳлари бўйича олдинги йилга нисбатан чакана товар айланишининг ўзгаришини ва режанинг бажарилиш фоизини, шунингдек, товар гуруҳлари бўйича товар айланиши улушини, улушнинг ўзгаришини аниқланг.

Масаланинг ечимини жадвалда ифодаланг ва хулоса ёзинг.

### 11-Жадвал

## Савдо корхонасининг чакана товар айланиши таркиби

минг сўм ҳисобида

Товар гуруҳлари	Ўтган йилги товар айланиши	Ҳисобот йилининг товар айланиши	
		Режада	Ҳақиқатда
Гўшт ва колбаса маҳсулоти	42559	42847	43237
Балиқ ва балиқ маҳсулотлари	16334	17995	19815
Қанд	18012	18110	17786
Кондитер маҳсулотлари	32524	32600	35413
Бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари	57695	60143	61942
Жами озиқ-овқат маҳсулотлари			
Ип газламалари	29095	31449	35439
Тикувчилик моллари	19994	20000	20177
Чарм пойафзал	38826	38900	37369
Қолган ноозиқ-овқат товарлари			
Жами ноозиқ-овқат товарлари			
Жами:	720224	802244	860261

### 12 – МАСАЛА

Савдо корхонасининг I - чорақдаги чакана товар айланиши: январда – 9475,0 минг сўм, февралда – 9272,0 минг сўм, мартда 1025,0 минг сўм.

I-чорақда савдо корхонасининг ўртача ойлик товар айланишини аниқланг.

### 13 – МАСАЛА

Савдо шахобчасининг чакана товар айланиши I-чорақда 899,1 минг сўмни, II-чорақда 881,5 минг сўмни ташкил этган. III-чорақда чакана товар айланиши II-чорақка нисбатан 3% га ва IV-чорақда III-чорақка нисбатан 5% га ошиши кутилмоқда.

Қуйидагиларни аниқланг:

а) савдо шахобчасининг III ва IV – чорақлардаги чакана товар айланиши суммасини

б) савдо шахобчасининг ўртача чорақлик чакана товар айланиши суммасини.

### 14 – МАСАЛА

Келтирилган қуйидаги маълумотлар асосида савдо корхонаси чакана товар айланиши динамикасини солиштирма баҳоларда ҳисобланг.

1. Ўтган йилдаги товар айланиши, минг сўм	39913
2. Ҳисобот йилидаги товар айланиши, ҳақиқий баҳоларда, минг сўм	44603,9
3. Ҳисобот йилидаги солиштирма баҳо индекси	1,26

### 15 – МАСАЛА

Келтирилган қуйидаги маълумотлар асосида савдо корхонаси хизмат кўрсатаётган худуд аҳолисининг товар сотиб олишда баҳонинг ўзгариши натижасида қилган ошиқча харажатларини ҳисобланг.

1. Ўтган йилдаги айланиши, минг сўм	32195
2. Ҳисобот йилидаги товар айланиши, ҳақиқий баҳоларда, минг сўм	34540
3. Ҳисобот йилидаги солиштирма баҳо индекси	1,03

### 16 – МАСАЛА

Қуйида берилганлар асосида савдо корхонасининг йил охирида товар заҳиларининг режадан четланишини (кунлар ҳисобида) аниқланг.

1. Товар заҳираси (йил охирида):

а) йўлдаги товарлар, сотиб олиш баҳоларида (белгиланган савдо устамаси 20 %), минг сўм 920

б) чакана савдо шохобчаларидаги товарлар, сотиш баҳоларида, минг сўм 11162,6

Шу жумладан:

мавсумий сақлаш учун, минг сўм 621,7

2. Режалаштирилаётган йилга биринчи чорак учун товар заҳиралари режаси, сотиш баҳосида, минг сўм 9647

3. Режалаштирилаётган йилга биринчи чорак учун чакана товар айланиши режаси, минг сўм 10715

4. Савдо корхонасида белгиланган ўртача савдо устамасининг даражаси 18%

### 17 – МАСАЛА

Келтирилган қуйидаги маълумотлар асосида савдо корхонаси бўйича чакана товар айланиши таркибини таҳлил қилинг ва таҳлил натижаларини жадвал шаклида ифода этинг.

1. Товар айланиши режаси жами, минг сўм ҳисобида 43100,0

Шу жумладан:

а) озиқ-овқат товарлари 22110,3

б) ноозиқ-овқат товарлари

2. Ҳақиқий товар айланиши жами, минг сўм 44603,9

Шу жумладан:

а) озиқ-овқат товарлари	22435,8
б) ноозиқ-овқат товарлари	

### 18 – МАСАЛА

Келтирилган қуйидаги маълумотлар асосида савдо корхонасига келиб тушган товарларни таҳлил қилинг. Таҳлил натижасида режа бўйича келиб тушган товарларнинг ҳақиқийсидан четланишини топинг, минг сўм ҳисобида.

1. Режа бўйича келиб тушадиган товарлар	44094,0
2. Йил бошидаги ҳақиқий товар захиралари	9220,0
3. Ҳисобот йилидаги ҳақиқий товар айланиши	44603,9
4. Йил охиридаги ҳақиқий товар захиралари	10551,1
5. Ҳисобот йилида маҳсулотларнинг табиий камайиши	58,6

### 19 – МАСАЛА

Келтирилган қуйидаги маълумотлар асосида кейинги йил 1 июлдан ишга тушуриладиган дўконнинг йиллик чакана товар айланиши режасини кейинги йил учун ҳисобланг.

1. Сотувчиларнинг ўртача ойлик меҳнат унумдорлиги, млн. сўм	7,0
2. Дўконнинг ишлаш тартиби (сменали)	1,5
3. Дўкон дам олиш ва байрам кунларида ҳам ишлайди ва иш куни	360 кун
4. Дўконда режалаштирилган ишчи жойи	2 та

Масаланинг ечимини ўнликларгача бутун қилиб аниқланг.

### 20 – МАСАЛА

Савдо корхонасининг тайёр кийимлар бўйича товар айланиши ҳажмини қуйидаги маълумотларга асосланиб режалаштириладиган йил учун аниқланг:

1. Тайёр кийимлар бўйича ҳисобот йилининг товар айланиши минг сўм	10230,0
2. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромаднинг режалаштириладиган йилда ҳисобот йилига нисбатан фоиз ҳисобида ўсиши	14%
3. Аҳоли талабининг даромадга нисбатан эластиклик коэффициенти	1,13
4. Аҳоли сонининг режалаштириладиган йилда ҳисобот йилига нисбатан ўсиш даражаси, %	2,5

## **21- МАСАЛА**

Агар ишлаб чиқариш цикли 20 кун бўлиб, бутловчи қисмлар 8 кун давомида ишлаб чиқаришда бўлган бўлса, пасайтирувчи коэффициент неччига тенг бўлади?

## **22- МАСАЛА**

Ҳисобот йилида корхона айланма маблағларининг ўртача қолдиғи 15885,0 минг сўмни, сотилган маҳсулотлар ҳажми 68956,0 минг сўмни ташкил этган. Режалаштириладиган йилда айланма маблағлар айланиш узунлиги 2 кунга қисқаради, маҳсулот сотиш ҳажми эса ўзгармайди, яъни 68 956,0 минг сўм бўлади.

Режалаштирилаётган йилда корхона учун зарур бўлган айланма маблағлар суммасини топиш талаб қилинади.

## **23- МАСАЛА**

Саноат корхонасида ишчиларнинг умумий сони 6000 кишини ташкил қилади. Уларнинг 50% йиғув цехида, механика цехида 35%, қолган қисми бошқа цехларда ишлайди. Корхонанинг штат рўйхатига кўра, йиғиш цехида ҳар 250 кишига бир меъёрловчи, механика цехида 100 кишига бир, таъмирлаш, тайёрлаш ва бошқа цехлар ҳар 130 кишига бир меъёрловчи ишлаш керак.

Мамлакатда амалга оширилаётган маъмурий ислохатларда бошқарув ходимларининг 22 %га қисқартириш кўзда тутилган. Корхонага зарур бўлган меъёрловчилар сонини ва ходимларининг 22 %га қисқартирилгандан сўнг меъёрловчиларнинг корхона бўйича сонини аниқлаш талаб қилинади?

## **24 – МАСАЛА**

Корхонада 30 та цех фаолият юритади, жумладан, 6 таси – асосий ҳисобланади. Ишлаб чиқариш ходимларининг ўртача сони (рўйхат бўйича) – 8706 кишини ташкил этса, улардан 7412 киши ишчилардир. Корхонанинг бутун меҳнат жамоаси йиллик маош жамғармаси – 10,3 млрд. сўм. Корхонанинг бошқарув харажатлари бир йилда 5,6 млн. сўмни ташкил этди.

Мамлакатда амалга оширилаётган маъмурий ислохатларда бошқарув ходимларининг 22 %га қисқартириш кўзда тутилган. Заводнинг бошқарув ходимлари сонини, 22 фоизлик қисқартиришдан сўнг корхона бошқарув ходимлари сони қанчани ташкил этишини ва бошқарув ходимларини қисқартириш ҳисобига меҳнатга ҳақ тўлаш фондиди тахминан қанчага тежаб қолиш мумкинлигини аниқлаш талаб қилинади?

## 25 - МАСАЛА

“Наъмуна” акциядорлик жамиятига қарашли нон ишлаб чиқариш корхонаси 20 минг аҳолини нон-булочка маҳсулотлари билан таъминлайди. Режалаштириш йилида 1 кишининг 1 кунлик нон-булочка маҳсулотларига бўлган талаби 0,4 кг бўлиши тахмин қилинмоқда. Корхона 3та ФТЛ-20 русумли печ билан жиҳозланган. Печларнинг суткалик иш вақти 23 соат. Печдаги люлкалар сони 17та, ҳар бир люлькада 0,4 килограмлик 12та батон пиширилади. Пиширишга сарфланадиган вақт — 18 минут. Печларнинг турли текширув ва таъмирлашлар учун тўхтаб қолиш вақти 1 йилда 30 кун.

Корхона хизмат кўрсатаётган аҳолининг нон-булочка маҳсулотларига бўлган талабининг қондира олинаётганлигини ёки қондира олинмаётганлигини аниқланг?

## 26 – МАСАЛА

Ҳисобот йилида мамлакатда яратилган миллий даромад ҳажми 46355,5 млрд сўмни ташкил этди. Миллий ишлаб чиқаришда банд бўлган ишчиларнинг ўртача йиллик сони 11624,8 минг кишига тенг бўлган.

Ижтимоий меҳнат унумдорлигини ҳисоблаш талаб қилинади?

## 27 – МАСАЛА

Саноат корхонасининг йил бошида 5000, минг сўмлик асосий воситалари бўлган. Йил давомида 250,0 минг сўмлик асосий воситалар киритилган ва 300,0 минг сўмлик асосий воситалар ишлаб чиқаришдан олиб ташланган.

Келтирилган маълумотлар асосида саноат корхонасининг ўртача йиллик ва йил охирига асосий воситалари қийматини аниқлаш талаб қилинади.

## 28 – МАСАЛА

Цитрус меваларидан шарбат ишлаб чиқарувчи таниқли компания бошқа компаниянинг маркасидан фойдаланиш ҳуқуқини олиш учун роялти тўлаш бўйича битим тузган. Роялтининг миқдори — сотилган маҳсулот қийматидан 15 фоиз.

Бир йилда 10500,0 минг сўмлик шарбат сотилади, товар белгисидан фойдаланиш муддати — 5 йил, дисконт ставкаси — 10 фоиз.

Товар белгиси қийматини аниқлаш талаб қилинади.

## 29 – МАСАЛА

Саноат корхонасида асосий воситаларга кирувчи объектнинг бошланғич қиймати (1 январь ҳолатига) 160,0 млн.сўм. Ундан фойдаланиш муддати 10 йил қилиб белгиланган. Ҳақиқатда эса ундан 3 йилгина фойдаланилган.

Келтирилган маълумотлар асосида қуйидагиларни аниқлаш талаб қилинади:

1) Амортизация ажратмаларини бир маромда, хизмат йиллари йиғиндисига пропорционал (кумулятив) ва камайиб боровчи қолдиқ қийматдан ҳисоблаш усулларини қўллаган ҳолда ҳисоблаш?

2) Объектнинг 1 январь ҳолатига қолдиқ қийматини ва эскириш коэффициентини аниқлаш?

### **30 – МАСАЛА**

Корхонадаги мавжуд конвейер 2018 йили ўрнатилган. Ундан самарали фойдаланиш муддати 5 йил.

Келтирилган маълумотлар асосида конвейернинг жисмоний эскириш миқдорини аниқлаш талаб қилинади.

### **31 – МАСАЛА**

Саноат корхонасидаги цехнинг дастлабки қиймати 6 038 760 сўм, унинг қолдиқ қиймати — 3 114 030 сўм.

Келтирилган маълумотлар асосида цехнинг жисмоний эскириш фоизини аниқлаш талаб қилинади.

### **32 – МАСАЛА**

Корхонадаги асосий восита объектнинг қиймати 80,0 минг сўм. Унинг хизмат қилиш муддати — 5 йил. Бир маромда ва камайиб боровчи қолдиқ қийматдан ҳисоблаш усулларини қўллаган ҳолда амортизация ажратмаларининг йиллик суммасини ҳисоблаш талаб қилинади.

### **33 – МАСАЛА**

Асосий восита объектини яратишга 5000,0 минг сўм сарфланган. Унинг орқали 10000 бирликда маҳсулот ишлаб чиқариш кўзда тутилган.

Яратилган объект воситасида 2000 бирликда маҳсулот ишлаб чиқарилган йилда унинг амортизация суммасини аниқлаш талаб қилинади.

### **34 – МАСАЛА**

Кон қазилма бойлигининг баланс захираси 40 млн.тонна. Коннинг унумдорлиги — бир йилда 1000 минг тонна. Капитал қўйилмалар ҳажми — 9000,0 млн.сўм.

Олинган 1 тонна қазилма бойликка тўғри келадиган амортизация суммасини ҳисоблаш талаб қилинади.

### 35 – МАСАЛА

Корхонанинг йил бошига асосий воситалар қиймати — 340,0 млн.сўм. Йил давомида — июнь ойида 45,0 млн. сўмлик, сентябрь ойида 9,0 млн. сўмлик асосий воситалар кирим қилинган; апрель ойида 5,9 млн.сўмлик, май ойида 21,0 млн. Сўмлик асосий воситалар ишлаб чиқаришдан олинган. Йиллик маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми — 1 млн.тонна, маҳсулотнинг ўртача нархи — 250 сўм.

Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши ва янгиланиши коэффициентларини, фонд сифими ва фонд қайтимини ҳисоблаш талаб қилинади.

### 36 - МАСАЛА

Корхона буюм ишлаб чиқаришда ўзининг конструктурлик бюроси қилган ихтиродан фойдаланади. Ихтирогача корхона бир дона буюмни ишлаб чиқариш учун 65 сўм сарфлаган.

Ихтиро корхонага бир дона буюмни ишлаб чиқаришда 12,5 сўм миқдориди материални ва 11,7 сўм ҳажмида меҳнат харажатларини тежаш имкониятини беради. Бундай устуворлик 6 йил давомида сақланиб қолиниши кутилади.

Корхона йилига 300 000 дона буюм ишлаб чиқаради. Дисконт ставкаси — 15 фоиз.

Ихтирони баҳолаш талаб қилинади.

### 37 – МАСАЛА

Завод учун белгиланган йиллик ишлаб чиқариш дастурининг ҳажми 12000 дона маҳсулотдан иборат. 1 дона маҳсулот учун хом-ашё сарфи — 4 кг. Йилнинг охирига хом-ашё захираси — 23 кунни ташкил этади. Режалаштирилаётган йил бошига амалдаги хом-ашё захираси — 200 кг.

Режалаштирилаётган йил охирига ўтувчи хом-ашё қолдиғини ва режалаштирилаётган йилда зарур хом-ашё етказиб бериш миқдорини аниқлаш талаб қилинади.

### 38 – МАСАЛА

Корхона бўйича қуйидаги маълумотлар мавжуд:

- маҳсулот сотишнинг йиллик ҳажми — 80 млн. сўм

- айланма маблағларнинг ўртача йиллик миқдори — 5.4 млн. сўм.

Тегишли чора тадбирлар кўрилгандан сўнг айланма маблағларнинг бир бор айланиш муддати бир неча кунга қисқарди. II-чорада амалда айланма маблағлар қолдиғи:

- 1 апрел ҳолатига - 280 минг сўм

- 1 майга - 360 минг сўм

- 1 июнга - 330 минг сўм

- 1 ноябрга - 380 минг сўмни ташкил этган.

Айланма маблағларнинг ўртача қолдиғини, уларнинг бир марта айланиш муддатини аниқлаш талаб қилинади.

### **39 – МАСАЛА**

Корхона бўйича қуйидаги маълумотлар берилган:

Маҳсулот сотиш ҳажми:

- ҳисобот йилида – 553400 минг сўм.

- режа бўйича – 5682200 минг сўм.

Ҳисобот йилида айланма маблағлар нормативи (меъёри) (минг сўм) – 18340.

Айланма маблағларнинг бир бор айланиб чиқиш муддати режа бўйича – 14 кун.

Маблағарнинг бир бор айланиб чиқиш муддати амалда неча кун бўлишини, ҳисобот йилида ва режа бўйича айланишлар сонини, режа бўйича кўзда тутилган айланма маблағларнинг йиғиндисини, маблағ айланишининг тезлантишлари боис озод этилган айланма маблағлар миқдорининг қанча бўлишини аниқлаш талаб қилинади.

### **40 – МАСАЛА**

Корхона томонидан ишлаб чиқарилган буюмнинг соф оғирлиги 40 кг. Дастур бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми – 3000 дона материал ишлатишнинг амалдаги коэффиенти – 0,75. Технологик жараёнларнинг такомиллашуви натижасида корхона материалдан фойдаланиш коэффиентини 0,81 гача кўтариб, унинг қийматини 1 кг учун 350 дан 200 сўмгача пасайтиришни мўжаллаяпти.

Ҳар дона маҳсулотга моддий харажатнинг амалдаги ва мўлжалланган нормасини, ишлаб чиқарилиши мўлжалланаётган маҳсулот тайёрлашда қанча материал тежаш мумкин эканлигин аниқлаш талаб қилинади.

### **41-МАСАЛА**

Қуйидаги маълумотлар асосида саноат корхонасининг ҳисобот йилида захиралар учун ажратган маблағларининг айланувчанлигини 2 хил усулда анқланг.

1. Баланс бўйича захиралар суммаси йил бошида 1419,0 минг сўм, йилохирида 1461,0 минг сўм.

2. Йил давомида маҳсулот сотишдан тушган тушум 28800,0 минг сўм.

### **42-МАСАЛА**

Қуйидаги маълумотлар асосида корхонанинг ҳисобот даври учун ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш билан боғлиқ кўрсаткичларини ҳисоблаш ва унинг динамикаси даражасига баҳо беринг:

(минг сўм)

Кўрсаткичлар	Ўтган йили	Ҳисобот йили
1. Жамғарма фондига ажратилган фойда	345,0	423,0
2. Амортизация ажратмалари	918,0	1025,0
3. Қарз маблағлари	360,0	375,0
4.Кредиторлик қарзлари ва бошқа жалб қилинган маблағлар	474,0	515,0

#### 43-МАСАЛА

Қуйидаги маълумотлар асосида корхонанинг ҳисобот даври учун тўловга қобиллик коэффициентини ҳисобланг, унинг ҳолати ва динамикасига баҳо беринг:

Тўлов маблағлари манбалари	Давр бошига	Давр охирига	Тўланиши керак бўлган тўловлар	Давр бошига	Давр охирига
1. Касса	6,2	9,2	1.Солиқлар	27,8	32,1
2. Ҳисоб рақами	40,7	67,8	2.Иш ҳақи	31,5	36,0
3.Валюта ҳисоб рақами	23,1	24,6	3. Қайтариш мудда- тидаги предметлар	24,0	30,0
4. Бошқа пул маблағлари	9,3	11,0	4.Бошқа тўловлар	11,3	18,9

#### 44-МАСАЛА

Қуйидаги маълумотлар асосида саноат корхонасининг ҳисобот йили учун маблағларнинг ҳисобдаги айланувчанлигини ҳисобланг (дебиторлик қарзларининг айланиш вақти ва тезлиги).

1. Баланс бўйича дебиторлик қарзлар суммаси йил бошида 403,0 минг сўм, йил охирида 430,0 минг сўм.
2. Йил давомида маҳсулот сотишдан тушган тушум 28800,0 минг сўм.

#### 45-МАСАЛА

Қуйидаги маълумотлар асосида корхонанинг йил боши ва йил охирига мажбуриятлар муддатига қараб корхона пасивлари суммасини аниқланг.

№	Кўрсаткичлар	Йил бошида	Йил охирида
---	--------------	------------	-------------

1	Кредиторлик қарзлар	157,0	189,0
2	Харидорлардан олинганаванслар	45,0	51,0
3	Тўлов муддати етмаганссудалар	90,0	75,0
4	Ссудалардан ташқари муддати етмаган банк кредитлари	480,0	540,0
5	Қисқа муддатли қарзмаблағлари	210,0	255,0
6	Узоқ муддатли қарз пассивлар		
7	Капитал ва захиралар	1285,0	1492,0
8	Келгуси давр даромадлари	36,0	42,0
9	Келгусидаги харажатлар ва тўловлар учун захиралар	52,0	60,0
10	Кутилмаган харажатлар учун захиралар	75,0	84,0
11	Келгуси давр харажатлари	27,0	31,0
12	Ишчилар учун банк кредитлари	22,0	22,0
13	Бошқа операциялар бўйича ходимлар билан ҳисоб китоблар	30,0	37,0

#### 46-МАСАЛА

Қуйидаги маълумотлар асосида корхона активларини баланс суммасини уларни ликвидлик даражасига қараб йилбоши ва охирига ҳисобланг.

(минг сўм)

№	Кўрсаткичлар	Йил бошида	Йил охирида
1	Кассадаги пул маблағи	16,0	21,0
2	Ҳисоб китоб рақамидаги пул маблағлари	80,0	162,0
3	Валюта ҳисоб рақамидаги пул маблағлари	93,0	113,0
4	Бошқа маблағлари	54,0	45,0
5	Қисқа муддатли молиявий қўйилма	90,0	105,0
6	Дебиторлик қарзлар	421,0	411,0
7	Бошқа операциялар бўйича ходимлар билан ҳисоб китоблар	30,0	38,0
8	Ходимлар учун банк кредитлари	22,0	22,0

9	Захиралар	633,0	933,0
10	Келгуси давр харажатлари	27,0	31,0
11	Узоқ муддатли молиявий қўйилма	210,0	210,0
12	Оборотдан ташқари активлар	591,0	635,0

#### 47-МАСАЛА

Қуйидаги маълумотлар асосида корхона молиявий мустаҳкамлигининг мутлоқ кўрсаткичларини ҳисобланг ва улар динамикасини аниқланг.

(минг сўм)

№	Кўрсаткичлар	Йил бошида	Йил охирида
1	Капитал ва захиралар (балансинг IV бўлими)	1124,0	1480,0
2	Узоқ муддатли пасивлар(V бўлим)	420,0	420,0
3	Қарз маблағлари	495,0	390,0
4	Қайтариш вақти келмаган ссуда маблағлари	135,0	105,0
5	Захиралар	633,0	914,0
6	Оборотдан ташқари активлар(I-бўлим)	654,0	906,0

#### 48-МАСАЛА

Қуйидаги маълумотлар асосида корхона ўз маблағларининг айланма маблағларда қатнашаётган қисмини ҳисобланг ва унинг динамикасини омилли таҳлилини ўтказинг:

№	Кўрсаткичлар	Йил бошида	Йил охирида
1	Устав капитали	957,0	957,0
2	Қўшимча капитал	486,0	615,0
3	Захира фонди	270,0	322,0
4	Махсус фондлар	98,0	120,0
	Тақсимланмаган фойда	258,0	340,0
6	Асосий фондлар	620,0	887,0

7	Номоддий активлар	37,0	44,0
---	-------------------	------	------

(минг сўм)

#### 49-МАСАЛА

Қуйидаги маълумотлар асосида корхона режалаштирилаётган йилда қўшма фаолиятини ривожлантириш учун инвестициядан келадиган фойда суммасини аниқланг:

1. Режалаштириш йили бошида инвестиция суммаси 975,0 минг сўмни ташкил этди.

2. Режалаштириш йилида қўшма фаолиятни ривожлантириш учун маблағларни қуйидагича йўналтириш кўзланмоқда:

I чорак — 70,0 млн сўм; II чорак — 150,0 млн сўм;

III чорак — 375,0 млн сўм; IV чорак — 90,0 млн сўм.

Имзоланган шартномаларга мувофиқ ўртача фойда даражаси йиллик инвестиция суммасининг 24 фоизини ташкил этади.

#### 50-МАСАЛА

Корхонани қуриш учун икки хил лойиҳа тузилган. Улар бир хил ҳажмдаги маҳсулот ишлаб чиқаришга мулжалланган ва бир- биридан ҳар хил вақтлар ва қурилиш қиймати билан фарқ қилади.

Уларнинг биринчиси бўйича маҳсулот таннари — 4580,0 минг сўмни, иккинчиси бўйича эса 4565,0 минг сўмни ташкил қилади.

Корхонанинг смета қиймати, қурилиш муддати ва йиллар бўйича капитал маблағлар қуйидаги маълумотлар билан тавсифланади:

Йиллар	Капитал маблағлар, минг сўм	
	Биринчи лойиҳа бўйича	Иккинчи лойиҳа бўйича
1	310,0	-
2	300,0	-
3	210,0	500,0
4	130,0	520,0

Қурилиш муддатини ҳисобга олган ҳолда лойиҳаларнинг қайси бири фойдали эканлигини аниқланг, шунингдек, фойдали лойиҳани танлашдан олинадиган йиллик иқтисодий самарани ҳисобланг.

Изоҳ: лойиҳа хилларини вақт омилини ҳисобга олган ҳолда таққослама турга келтириш учун 0,08га тенг бўлган самарадорликнинг норматив коэффициентини қўллаш керак, таққослама иқтисодий самарани аниқлашда эса — 0,20.

### 51-МАСАЛА

Савдо ва технологик асбоб-ускуна ишлаб чиқаришга мулжалланган корхонада ҳаракатдаги дастгоҳлар сони 45 донани ташкил қилади. Ҳаракатдаги бир дастгоҳнинг балансдаги қиймати 800,0 минг сўм. Дастгоҳлар корхонада 5 йил аввал ўрнатилган. Улар бўйича амортизация ажратмалари нормаси — 10 фоиз.

Корхонада янги дастгоҳларни ишлаб чиқаришга киритилиши мулжалланмоқда, улар ҳаракатдагисига қараганда 1,5 марта унумлироқ. Бир дона янги дастгоҳни харид қилиш ва ўрнатиш билан боғлиқ бўлган капитал маблағлар 2960,0 минг сўм.

Цехнинг ишлаб чиқариш ҳажми ўзгармас ҳолда қолади. Қолган ҳамма харажатлар (электроэнергия, материаллар ва бошқалар) ҳаракатдаги ва янги дастгоҳларда бир хил.

Ҳаракатдаги дастгоҳларнинг тугатилиш қиймати 9250,0 минг сўм (темир-терсак ҳисобида нархланиш бўйича) капитал маблағларнинг қопланиш муддати ва йиллик тежамини аниқланг.

### 52-МАСАЛА

Консерва маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхона бўйича қуйидаги маълумотларга эгамиз:

Кўрсаткичлар	Қайти тик- лашгача	Қайти тик- лангандан кейин
1. Маҳсулот ишлаб чиқариш, мшб	800,0	12000,0
2. Йиллик маҳсулот ишлаб чиқариш таннарни — жами, минг сўм ҳисобида	4400,0	5800,0
3. Шу жумладан:		
- ўзгарувчан харажатлар бўйича	4100,0	5500,0
- ишлаб чиқариш фондлари	3000,0	5450,0

Корхонани қайта тиклашнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш ҳамда қўшимча капитал маблағларнинг қопланиш муддати ва йиллик тежамини ҳисоблаш талаб қилинади.

### **53-МАСАЛА**

Нон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхонада ФТЛ- 20 русумли печкани қайта тиклаш амалга оширилаяпти. Натижада биринчи навли ундан ёпиладиган айланма булкаларнинг бир суткадаги ишлаб чиқарилиши 4600 килограммдан 5500 килограммгача, биринчи навли буғдой ундан ёпиладиган кесилган батонлар эса 2560 килограммдан 3000 килограммгача ошади.

Корхона ишлаб чиқариш қувватининг оширилиши 1 центенер айланма булкаларнинг таннархини 0,2 сўмга, кесилган батонларникини эса 0,25 сўмга камайтириш имкониятини беради.

Печкани қайта тиклаш бўйича харажатлар 23,2 минг сўмни ташкил қилади. Белгиланган иш режимига тааллуқли равишда корхонадаги печка бир йилда 340 кун ишлайди.

Печкани қайта тиклаш билан боғлиқ бўлган капитал маблағларнинг қопланиш муддатини, шунингдек, иқтисодий самара суммасини самарадорликнинг норматив коэффициенти 0,25га тенг ҳолда аниқлаш талаб қилинади.

### **54-МАСАЛА**

Нон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхонада нон ёпувчиларнинг бир қисмини булочка маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштириш амалга оширилаяпти. Натижада йиллик ишлаб чиқариш ҳажми шартли доналарга айлантирилганда 7700 тоннадан 8250 тоннагача ошади (1 центенер учун улгуржи нарх 21,4 сўм). Ассортиментини кенгайтириш ва маҳсулот таннархини камайтириш натижасида 1 сўмлик товар маҳсулотига кетадиган харажатлар 1,2 тийинга камаяди.

Булочка маҳсулотларини ишлаб чиқаришга мослашган махсус асбоб ускунани харид қилиш ва ўрнатиш билан боғлиқ бўлган харажатлар 28,0 минг сўмни ташкил қилади. Самарадорликнинг норматив коэффициенти 0,2.

Қопланиш муддати, капитал маблағларнинг самарадорлик коэффициенти ва ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш натижасида олинadиган йиллик иқтисодий самарани аниқлаш талаб қилинади.

## 55-МАСАЛА

Корхона бўйича қуйидаги маълумотларга эгамиз:

Кўрсаткичлар	Реконструкциягача	Реконструкциядан кейин
1. Маҳсулот ишлаб чиқариш, минг сўм	17400,0	21000,0
2. Тайёр маҳсулот таннархи, минг сўм	13050,0	14850,0
3. Ишлаб чиқариш фондлари, минг сўм	1950,0	14575,0

Корхонанинг реконструкцияси учун ажратилган капитал қўйилмалари самарадорлик коэффициенти ва қопланиш муддатини аниқлаш талаб қилинади.

## 56-МАСАЛА

Қуйидаги маълумотлар асосида капитал қўйилмаларнинг энг рентабелли вариантыни аниқланг (танланг).

Кўрсаткичлар	Вариантлар	
	I	II
1. Капитал қўйилмалар, минг сўм	1800,0	2880,0
2. Маҳсулот сотишдан тушган тушум (ҚҚСдан ташқари), минг сўм	5700,0	9360,0
3. Ишлаб чиқариш харажатлари (таннарх), минг сўм	5124,0	8508,0

## 57-МАСАЛА

Қуйидаги маълумотлар асосида капитал қўйилмаларнинг энг қўлай вариантыни аниқланг (“максимум фойда келтирувчи” мезонга мувофиқ).

Кўрсаткичлар	Вариантлар	
	I	II
1. Капитал қўйилмалар, минг сўм	2160,0	3720,0
2. Маҳсулот сотишдан тушадиган йиллик фойда, минг сўм	490,0	745,0
3. Капитал қўйилмаларнинг нормал самарадорлик коэффициенти	0,12	0,12

4.Қолдирилган фойда		
---------------------	--	--

### 58-МАСАЛА

Қуйидаги кўрсаткичлар асосида нон, булочка маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг варианти тайёрланди.

Вариантлар	Капитал қўйил-малар (минг сўм)	Йиллик ишлаб чиқариш харажати таннархи (минг сўм)	Йиллик маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми (минг тонна)
I	690,0	27780,0	17,8
II	740,0	26400,0	18,5
III	850,0	27150,0	20,4

Самарадорликнинг норматив коэффиценти 0,12 бўлганда маҳсулот ишлаб чиқаришнинг энг самарали варианты аниқланг.

### 59-МАСАЛА

Корхонада турли вариантлар бўйича капитал харажатлар ва маҳсулотларнинг йиллик ишлаб чиқариш таннархи тўғрисида қуйидаги маълумотлар мавжуд (минг сўм):

Кўрсаткичлар	В а р и а н т л а р			
	1	2	3	4
1. Капитал харажатлар	680,0	750,0	825,0	925,0
2. Маҳсулотларнинг йиллик ишлаб чиқариш таннархи	175,0	165,0	150,0	140,0

Капитал харажатларнинг иқтисодий самарадорлик норматив коэффиценти — 0,12.

Кўрилиши мумкин бўлган минимум харажатлар варианты аниқлаш талаб қилинади.

## 60-МАСАЛА

Корхонада бир-бирига қиёсланган тўртта вариант бўйича капитал харажатлар ва маҳсулот ишлаб чиқариш таннархи ҳақида маълумотлар мавжуд (млрд сўм):

Вариантлар	Капитал харажатлар	Маҳсулотларнинг йиллик ишлаб чиқариш таннархи
I	2,0	1,8
II	3,0	1,2
III	5,0	0,8
IV	7,5	0,6

Капитал харажатларнинг иқтисодий самарадорлик норматив коэффиценти 0,12.

Кўрилиши мумкин бўлган минимум харажатлар вариантини аниқлаш талаб қилинади.

## 61-МАСАЛА

Форфор маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхонаси ошхона сервис буюмларини ишлаб чиқаришни режалаштирган. Қуйидаги маълумотлар асосида ишлаб чиқариладиган сервис буюмлари миқдори ҳақида қарор қабул қилиш талаб қилинади.

Кўрсаткичлар	Вариантлар		
	I	II	III
1. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми (минг сўм)	6000	8000	12000
2. Талаб этиладиган капитал қўйилмалар (минг сўм)	1240	2400	3600
3. 1 дона маҳсулот харажатлари (сўм)	1098	1065	1040
4. 1 дона маҳсулотни сотиш нархи (сўм, ҚҚСдан ташқари)	1140	1111	1084

Қарор қабул қилишда капитал қўйилмалар ҳажмини ҳисобга олган ҳолда фойда ва рентабелликни эътиборга олинг.

## 62-МАСАЛА

Саноат корхонасида ишлаб чиқариш ҳажмини йил давомида 30,0 минг тоннадан 45,0 минг тоннага ошириш мулжалланган. Маҳсулот ишлаб чиқариш

ҳажмини бундай ошириш эски ишлаб чиқаришни реконструкция қилиш ёки янги ишлаб чиқаришни жорий этиш эвазига амалга оширилади.

Реконструкция қилиш учун капитал қўйилмалар 1160,0 минг сўмни, янги цех қуриш учун эса 1700,0 минг сўм сарф қилинади.

Ишлаб чиқаришни реконструкция қилиш орқалими ёки янги қурилиш орқали кенгайтиришнинг иқтисодий мақсадга мувофиқлигини аниқлаш талаб қилинади.

## 63-МАСАЛА

Саноат корхонаси бўйича қуйидаги маълумотларга эгамиз:

1. Нормалаштирилладиган айланма маблағлар қолдиқлари:  
01.01да — 820,0 минг сўм; 01.02да — 790,0 минг сўм; 01.03да — 750,0 минг сўм; 01.04да — 760,0 минг сўм; 01.05да — 770,0 минг сўм; 01.06да — 780,0 минг сўм; 01.07да — 790,0 минг сўм; 01.08да — 770,0 минг сўм; 01.09да — 780,0 минг сўм; 01.10да — 790,0 минг сўм; 01.11да — 785,0 минг сўм; 01.12да — 790,0 минг сўм; 01.01да (келгуси йил) — 810,0 минг сўм;

2. Ҳисобот йили бошида асосий ишлаб чиқариш воситаларининг қиймати — 2480,0 минг сўм. Йил давомида 1200,0 минг сўмлик, шу жумладан, 01.04дан — 250,0 минг сўмлик, 01.06дан 950,0 минг сўмлик асосий воситалар ишлаб чиқаришга киритилган. Ҳисобот йилининг 01.10дан 510,0 минг сўмлик асосий воситалар ҳисобдан чиқарилган.

3. Ҳисобот йилида 430,5 минг сўм миқдорида соф фойда олинган.  
Саноат корхонасининг ҳисобот йилида эришган рентабеллик даражасини аниқлаш талаб қилинади.

## 64-МАСАЛА

Корхона бўйича қуйидаги маълумотларга эгамиз:

- 2) ҳисобот даврида 23475 тонна маҳсулот сотилган;
- 3) 1 тонна маҳсулот нархи — 3750 сўм;
- 4) бир бирлик маҳсулот таннархи — 3068 сўм;
- 5) ҳисобот даврида қолдиқ қиймати 345,0 минг сўм бўлган ортиқча ускуналар сотишдан 353,0 минг сўмга сотилган;
- 6) давр ва бошқа турдаги сарфлар — 10,0 минг сўм;
- 7) фойдадан солиқ ставкаси — 9,0 фоиз.
- 8) Корхонанинг маҳсулот сотишдан олинган ялпи фойдасини, фойдадан солиқ тўлангунга қадар фойдани ва соф фойдасини аниқлаш талаб қилинади.

## 65-МАСАЛА

Устахона эгаси ўтган ойда 200,0 минг сўммиқдорида даромадга эга бўлган. Мулкдор (айни пайтда, ишчи) даромаднинг 5,0 минг сўмини ўзининг ёрдамчисига ва 2,5 минг сўмини фаррошга иш ҳақи сифатида берган. Ўзига иш ҳақи сифатида даромаднинг 7,5 минг сўмини ажратган. Ишлаб чиқариш учун сарфланган хом ашё ва материаллар қиймати — 170,0 минг сўм.

Мулкдор устахона (корхона)ни ташкил этиш учун 100,0 минг сўм миқдорида маблағ киритган. Киритилган маблағ учун мулкдорнинг йиллик даромади — 15,0 фоиз.

Устахона (корхона)нинг соф фойдасини аниқлаш талаб қилинади.

## 66-МАСАЛА

Цехда йиллик маҳсулот ишлаб чиқариш 20,0 минг бирликдан 30,0 минг бирликкача ўсган. Бунинг учун қўшимча ишлаб чиқариш корпусини қуришга тўғри келган эди.

Йиллик маҳсулот ишлаб чиқариш миқдори 20,0 минг бирликка тенг бўлган пайтда, унинг ҳажми 5,0 минг сўмни ташкил қилган.

Цехда маҳсулот ишлаб чиқариш миқдори ўсгандан сўнг шартли-ўзгарувчан харажатлар ҳиссаси — 30,0 фоизни, умумишлаб чиқариш харажатларнинг йиллик суммаси — 1500,0 минг сўмни ташкил этган.

Ишлаб чиқариш миқдорининг ўсишидан кейин бир бирлик маҳсулот таннархини аниқлаш талаб қилинади.

## 67-МАСАЛА

Корхона бўйича қуйидаги маълумотларга эгамиз:

- 2) йиллик маҳсулот ишлаб чиқариш миқдори — 20,0 минг тонна;
- 3) 1 тонна маҳсулот таннархи — 25,0 минг сўм;
- 4) шартли-ўзгарувчан харажатлар ҳиссаси — 20,0 фоиз;
- 5) келгуси йили маҳсулот ишлаб чиқариш 22,0 минг тоннага етказилиши режалаштирилган.

Келгуси йили ишлаб чиқаришнинг ўсиши муносабати билан бирбирлик маҳсулот таннархини ҳисоблаш талаб қилинади.

## 68-МАСАЛА

Цех бир ойда 2000 дона яшик ишлаб чиқариш қувватига эга. Цехда 1та ишчи дискли аррада (ойлик маоши — 1250 сўм) ва 2та ишчи қўлда яшикларни тузишади(ҳар бирининг ойлик маоши — 900 сўм). Бундан ташқари, 1та ишчи цехнинг ишлаб чиқариш майдонларини супириб-тозалаб туради (ойлик маоши — 400 сўм).

Цехда ҳар бири 0,25 ставкада — электрик, сантехник ва механик ҳисобда туради. Бу лавозимларнинг тўлиқ ставкаси — 800 сўм.

Бир ойда 10 м<sup>3</sup> ёғоч ва 100 кг мих сарфланган. 1 м<sup>3</sup> ёғочнинг нархи — 1650 сўм, 1 кг михнинг нархи — 10 сўм. Дискли арранинг нархи — 8500 сўм, унинг йиллик амортизация номаси — 12 фоиз, электороэергияни истеъмол қилиш қуввати — 15 кВт, ҳақиқатда бир ойда ишлаган вақти — 160 соат.

Цехни ёритиш учун бир ойда 400 кВт электороэергия сарфланган, иситиш ва сув таъминоти учун 260 сўм тўлов қилинган. Бир кВт электороэергия нархи — 0,18 сўм. Цех биноси қиймати — 300,0 минг сўм, йиллик амортизация нормаси — 1,5 фоиз.

Ишлаб чиқариш харажатлари сметасини тузиш талаб қилинади.

## 69-МАСАЛА

Таъсисчи янги корхонани тузишга 200,0 минг сўм киритган. Корхона ташкил этилгунга қадар унинг биноси ижарага берилган. Йиллик ижара ҳақи 50,0 минг сўм бўлган.

Янги корхона тузилишига қадар, унинг таъсисчиси ёлланма менежер сифатида ишлаган. Унинг йиллик иш ҳақи 100,0 минг сўмни ташкил этган.

Тузилган янги корхона фаолиятини қуйидаги кўрсаткичлар тавсифлайди:

Кўрсаткичлар	Микдорлар
Ишлаб чиқариш ҳажми, бирлик.	10 000
Нархи (ҚҚСсиз), 1 бирлик/сўм.	1 000
Асосий воситаларнинг ўртача йиллик қиймати, минг сўм.	600
Айланма маблағларнинг ўртача қолдиғи, минг сўм.	200
Харажатлар, минг сўм.:	
- моддий	250
- ёлланма ишчилар меҳнатига ҳақ	150
- амортизация ажратмалари	160
- бошқалар	140
Ортиқча буюмларни сотишдан олинган даромадлар, минг сўм.	50
Банк кредити учун тўланган фоизлар, минг сўм.	10
Соф фойдадан солиқ .%	24

Муддатли депозитлар бўйича олинадиган ҳақ, %	18
--	----

Қуйидагиларни ҳисоблаш талаб қилинади:

- 1) ялпи фойда, солиқ тўлангунга қадар фойда ва соф фойдани ҳамда корхона рентабеллиги кўрсаткичини;
- 2) таъсисчи томонидан ўз корхонасини ташкил этишнинг мақсадга мувофиқ эканлигини асослаб беринг (иқтисодий фойдани ҳисобланг).

## 70-МАСАЛА

Қуйидаги маълумотлар асосида режалаштириш йили учун қимматбаҳо қоғозлар билан бўладиган операциялардан тушадиган даромадлар суммасини аниқланг:

1. Йил бошига корхона баланси бўйича қимматбаҳо қоғозлар қиймати — 375,0 минг сўм.
2. Йилнинг II чорагида — 75,0 минг сўмлик, III чорагида 90,0 минг сўмлик қимматбаҳо қоғозлар харид қилиш мулжалланган.  
Йилнинг IV чорагида 912,0 минг сўмлик қимматбаҳо қоғозларни сотиш режалаштирилган. Ўртача йиллик дивиденд даражаси — 24 фоиз.

## 71-МАСАЛА

Қуйида келтирилган маълумотлар асосида корхона харажатларининг иқтисодий элементлари бўйича таркиби ва структурасини таҳлил қилинг.

Харажат гуруҳлари	Ўтган йили		Ҳисобот йили	
	Сумма, мингсўм	Жамига нисбатан салмоғи,%	Сумма, мингсўм	Жамига нисбатан салмоғи,%
1. Моддий харажатлар	2004422		2987750	
2. Меҳнат харажатлари	240321		312444	
3. Ижтимоий суғурта ажратмалари				
4. Амортизация ажратмалари	4569		7312	
5. Бошқа ишлаб чиқариш харажатлари	98454		101233	
Жами ишлаб чиқариш харажатлари				

## 72-МАСАЛА

Корхонанинг йиллик маҳсулот ишлаб чиқариши —10 000 дона. Бир бирлик маҳсулот таннархи, сўм.:

Хом ашё	40
Ёрдамчи материаллар	0,5
Ёқилғи ва энергия	15
Ишлаб чиқариш ишчиларининг иш ҳақи	10
Ижтимоий ажратмалар	3,6
Умумишлаб чиқариш сарфлари	4,5
Умумихўжалик сарфлари	4,2
Тижорат сарфлари	2,2
Жами	80

Маҳсулот нархи – 1 донаси 100 сўм.

Қуйидагиларни ҳисоблаш талаб қилинади:

- 1) маҳсулот ишлаб чиқаришнинг юқори миқдори (чегараси)ни;
- 2) йиллик ишлаб чиқариш 12 000 донагача ўсган вақтда маҳсулот бирлигининг таннархини.

## 73-МАСАЛА

Цехда “А” турдаги 200 дона ва “Б” турдаги 400 дона буюм ишлаб чиқарилган.

Харажатлар таркиби қуйидагича(минг сўм):

Кўрсаткичлар	Жами	Буюм турлари	
		А	Б
1.Ишлаб чиқариш ишчиларининг иш ҳақи	200	120	80
2. Асосий материаллар	140	80	60
3. Бошқарув ходимларининг иш ҳақи	80	–	–
4. Ёрдамчи ишчиларнинг иш ҳақлари	80	–	–
5. бинолар амортизацияси	60	–	–
6.Технологик мақсадларга сарфланган электро-энергия	100	40	60
7. Цехни ёритиш учун сарфланган электро-энергия	40	–	–
8. Ускуналар амортизацияси	160	–	–

9. Бошқа харажатлар	200	–	–
---------------------	-----	---	---

Цех бўйича ишлаб чиқариш харажатлари сметасини ва ҳар бир турдаги буюм таннархи калькуляциясини тузиш талаб илинади.

### 74-МАСАЛА

Корхона бўйича қуйидаги маълумотларга эгамиз:

- 1) Йиллик маҳсулот ишлаб чиқариш — 500 дона.
- 2) Бир бирлик маҳсулот нархи — 200 сўм.
- 3) Ишлаб чиқарилган жами маҳсулот учун қилинган харажатлар(сўм):

Хом ашё	3600
Ёрдамчи материаллар	300
Ёқилғи ва энергия	24000
Иш ҳақи	15000
Ижтимоий ажратмалар	5700
Умумишлаб чиқариш сарфлари	7400
Умумхўжалик сарфлари	3000
Тижорат сарфлари	3600
Жами	95000

Қуйидагилар талаб қилинади:

Зарарсизлик графигини тузинг ва маҳсулот ишлаб чиқаришнинг энг юқори чегарасини (критический) аниқлаш.

1. Бир бирлик маҳсулот нархи 220 сўмгача кўтарилган ва хом ашё сарфи 10 фоизга ошган тақдирда маҳсулот ишлаб чиқаришнинг энг юқори чегараси (критический) қанча бўлишини ҳисоблаш.

Корхона фойдасини 5млн сўмга етказиш учун қанча маҳсулот ишлаб чиқарилишини ҳисобланг.

### 75-МАСАЛА

Корхона цехининг битта участкасида 10та ишчи ишлайди. Улар бир ойда 11000 та деталь ишлаб чиқаришади, бир ойлик норма эса — 10000 дона.

Корхонада меҳнатга ҳақ тўлашнинг ишбай-мукофот тизими қўлланилади. Бир бирлик маҳсулот учун расценка — 5 сўм. Номадан ортиқ ишлаб чиқарилган ҳар бир деталь учун қўшимча тўлов — 0,5 сўм.

Корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ўстириш учун камида 12000 дона деталь ишлаб чиқариш зарур бўлади. Бунинг учун корхонада меҳнатга ҳақ тўлашнинг ишбай-прогрессив тизимини қўллаш зарур бўлади.

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ишбай-прогрессив тизимининг қўлланилишида қуйидаги шкаладан фойдаланиш мақсадга мувофиқ:

Режанинг бажарилиши, %	100,1–110,0	110,1–115,0	115,0 дан юқори
Ўсиб борувчи коэффициент	1,1	1,3	1,7

Маҳсулот ишлаб ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши натижасида, корхона қўшимча 30,0 минг сўм фойда олган тақдирда, меҳнатга ҳақ тўлашнинг ишбай-прогрессив тизимининг қўлланилиши ўзини оқлайдими?

## 76-МАСАЛА

Қайта ташкил этилган корхонада меҳнатга ҳақ тўлаш шаклини танлаш масаласи ўрганилаётир. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг вақтбай шаклида 100 та ишчи меҳнатидан фойдаланиш зарур бўлади. Битта ишчининг йиллик иш вақти фонди — 1768 соат. Тариф ставкаси — бир соатга

20 сўм. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ишбай шаклида расценка (бир бирлик маҳсулот учун) — 10 сўм.

Бир бирлик маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига иш ҳақининг боғлиқлиги графигини тузинг ва 100, 200, 300, 400 минг бирлик масулот ишлаб чиқарилган шароитда меҳнатга ҳақ тўлашнинг қайси шакли қўлай эканлигини аниқланг.

## 77-МАСАЛА

Корхонанинг қуйиш цехи иккита участкага эга. Биринчи участканинг маҳсулоти — металл қуймалар, иккинчисиники — металл идиш-товоқлар.

Участкалар	Маҳсулотлар миқдори	Маҳсулот бирлигининг таннархи, сўм.
1-й	5 000 т	8 000
2-й	18 000 дона.	45

Цех ходимларининг сони — 156 киши.

Келтирилган маълумотлар асосида цех бўйича меҳнат унумдорлигини ҳисоблаш талаб қилинади.

## 78-МАСАЛА

Технологик нуқтаи назардан кўп меҳнат талаб қиладиган буюмнинг бир донаси учун 1,5 одам/соат сарфланади. Бир ишчининг йиллик иш вақти фонди — 1750 соат.

Корхонада ишлайдиган ходимлар таркиби (категориялар бўйича) қуйидагича:

- а) Асосий ишчилар — 50 б) Ёрдамчи ишчилар — 25 в) Раҳбарлар — 15
- г) Мутахассислар — 8
- д) Хизматчилар — 2

Корхона меҳнат сиғимини ҳисоблаш талаб қилинади.

### 79-МАСАЛА

Саноат корхонаси бўйича қуйидаги маълумотларга эгамиз:

1. Саноат-ишлаб чиқариш ходимлари (категориялар бўйича) сони, киши:

- а) Асосий ишчилар — 930 б) Ёрдамчи ишчилар — 340 в) Раҳбарлар — 120
- г) Мутахассислар — 185
- д) Хизматчилар — 70

2. Корхона жорий йилда 750,0 млн сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарган. Бир ходимнинг ва бир ишчининг меҳнат унумдорлигини ҳисоблаш талаб қилинади.

### 80-МАСАЛА

Саноат корхонаси бўйича қуйидаги маълумотларга эгамиз:

- 1) бир йилда ишлаб чиқариладиган маҳсулот миқдори — 200 минг тонна;
- 2) ходимлар таркиби ва бир ишчининг йиллик иш вақти фонди:

Категория	Ходимлар сони, одам.	Ходимларнинг йиллик иш вақти фонди, соат
1. Ишчилар:		
- асосий ишчилар	100	1 712
- ёрдамчи ишчилар	50	1 768
2. Раҳбарлар	15	1 701
3. Мутахассислар	10	1 701
4. Хизматчилар	5	1 768

Ходимлар меҳнат унумдорлигини ҳисоблаш талаб қилинади.

### 81-МАСАЛА

Қуйида келтирилган маълумотлар асосида “Турон” акциядорлик жамиятида меҳнат ресурсларининг таркиби, структураси ва динамикасини таҳлил қилинг.

Кўрсаткичлар	Ўтган йили	Ҳисобот йили				Мутлақ фарқи, +, —	
		Бизнес режада		Ҳақиқатда		Ўтган йил дан	Режадан
		Сони, киши	Салмоғи, %	Сони, киши	Салмоғи, %		
1.Ишчилар	1020	1015		1010			
2.Хизматчилар	132	130		125			
3.Раҳбар ходимлар	35	28		30			
4.Мутахассислар	42	45		48			
5.Қоровуллик хизмати ходимлари	12	12		10			
Жами							

## 82-МАСАЛА

Ишлаб чиқариш циклининг узунлиги — 5 кун. Қайта ишлаш учун келтирилган яримфабрикатлар таннархи — 1 тоннаси 1125 сўм, пировард маҳсулот таннархи — 1 тоннаси 3900 сўм.

Қуйидаги кўрсаткичларни ҳисоблаш талаб қилинади:

- 1) 1 тонна маҳсулот таннархи биринчи куни — 700 сўмга, иккинчи куни — 625 сўмга, учинчи куни — 600 сўмга, тўртинчи куни — 450 сўмга, бешинчи куни — 400 сўмга ўсган ҳолатда харажатларнинг кунлик ўсиш коэффициентини;
- 2) харажатларнинг умумий ўсиш коэффициентини;
- 3) тугалланмаган ишлаб чиқаришга киритилган айланма маблағлар суммасини.

## 83-МАСАЛА

Корхона хом ашё етказиб берувчи иккита корхоналар билан шартнома тузган. Биринчи корхона ҳар 10 кунда 1 марта, иккинчи корхона — 7 кунда 1 марта хом ашё жўнатади. Олинадиган юк (хом ашё)нинг ўртача ҳажми: биринчи корхонадан — 400 тонна, иккинчи корхонадан — 450 тонна. Юк биринчи корхонадан 5 кунда, иккинчи корхонадан эса 3 кунда етиб келади.

Хом ашё бўйича захира нормасини ҳисоблаш талаб қилинади.

## 84-МАСАЛА

Корхонанинг бир йилда сотган маҳсулотлар ҳажми 56000,0 минг сўмни, айланма маблағларининг ўртача қолдиғи эса 4650,0 минг сўмни ташкил этган. Ўз айланма маблағларининг етарли бўлмаганлиги сабабли корхона тижорат банкидан 3000,0 минг сўмлик кредит олган. Кредит бўйича йиллик фоиз ставкаси — 30 фоиз.

Айланма маблағлар айланиши 3 кунга қисқарганда, бир йилда кредит бўйича тўлов қанча сўмга тежалади?

## 85-МАСАЛА

Ҳисобот йилида корхона айланма маблағларининг ўртача қолдиғи 15885,0 минг сўмни, сотилган маҳсулотлар ҳажми 68956,0 минг сўмни ташкил этган. Режалаштириладиган йилда айланма маблағлар айланиш узунлиги 2 кунга қисқаради, маҳсулот сотиш ҳажми эса ўзгармайди, яъни 68 956,0 минг сўм бўлади.

Режалаштирилаётган йилда корхона учун зарур бўлган айланма маблағлар суммасини топиш талаб қилинади.

## 86-МАСАЛА

Айланма маблағлар қолдиқлари, минг сўм.:

1 январь	1 235	на 1 июль	1 270
1 февраль	1 245	1 август	1 266
1 март	1 255	1 сентябрь	1 230
1 апрель	1 240	1 октябрь	1 244
1 май	1 278	1 ноябрь	1 256
1 июнь	1 246	1 декабрь	1 265
		1 январь	1 250

Сотилган маҳсулотлар ҳажми:

- 1- чорақда —1 456,0 минг сўм;
- 2- чорақда —1 266,0 минг сўм;
- 3- чорақда —1 894,0 минг сўм;
- 4- чорақда —1 704,0 минг сўм. Талаб қилинади:

1) айланма маблағларнинг ўртача чорақлик ва ўртача йиллик қолдиқларини ҳисоблаш;

2) айланма маблағларнинг йиллик ва чорақли айланувчанлигини (айланишузунлигини) ҳисоблаш;

- 3) айланма маблағларнинг йиллик ва чорақли айланувчанликкоэффициентларини ҳисоблаш.

## 87-МАСАЛА

Саноат корхонаси бўйича қуйидаги маълумотларга эгамиз:

Айланма маблағлар қолдиқлари		Сотилган маҳсулотлар ҳажми	
Санаси	Сумма, млн. сўм.	Чорак	Сумма, млн. сўм.
1 январь (ҳисобот йили боши).	2 500,0	I	3 000,0
1 апрель.	2 600,0	II	3 500,0
1 июль	2 400,0	III	2 900,0
1 октябрь.	2 400,0	IV	3 100,0
1 январь (келгуси йил боши).	2 500,0		

Келтирилган маълумотлар асосида айланма маблағларнинг ўртача чораклик ва ўртача йиллик қолдиқларини ҳамда айланма маблағлар айланувчанлигини (айланиш узунлигини) ва йиллик айланиш коэффиценти ҳисоблаш талаб қилинади.

## 88-МАСАЛА

Корхона ўтган йили қуйидаги таркибда айланма маблағларга эга бўлган:

Айланма маблағлар элементлари	Сумма, млн сўм.
Ишлаб чиқариш захиралари, шу жумладан	94,92 50,0
Тугалланмаган ишлаб чиқариш	27,64
Келгуси давр харажатлари	5,32
Тайёр маҳсулот	30,02
Бошқалар	62,1

Ҳисобот йили маҳсулот ишлаб чиқаришда нисбатан юқори сифатли хом ашёдан фойдаланган, қайсики унинг нархи 30 фоиз юқори бўлган. Бу маҳсулот ишлаб чиқариш цикли узунлигини қисқартирган ва натижада тугалланмаган ишлаб чиқаришда иштирок этаётган айланма маблағлар суммаси 50 фоизга камайган. Тайёр маҳсулот қиймати 50 фоизга ўсган.

Корхона айланма маблағларининг ўтган ва ҳисобот йиллардаги тузилишини ҳисобланг.

## 89-МАСАЛА

Саноат корхоналари бўйича қуйидаги маълумотларга эгамиз:

Айланма элементлари	мабдағлар	Сумма, млн сўм.	
		Корхона №1	Корхона №2
Ишлаб чиқариш захиралари		94,70	94,92
Тугалланмаган ишлаб чиқариш		16,15	27,64
Келгуси давр харажатлари		134,15	5,32
Тайёр маҳсулот		17,65	30,02
Бошқалар		87,35	62,1

Корхоналар айланма маблағлари тузилишини аниқлаш ва таҳлил этиш талаб қилинади.

## 90-МАСАЛА

Корхона томонидан ишлаб чиқарилган буюмнинг соф оғирлиги 20 кг. Дастур бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми – 2000 дона материал ишлатишнинг амалдаги коэффиценти – 0,75. Технологик жараёнларнинг такомиллашуви натижасида корхона материалдан фойдаланиш коэффиценти 0,61 гача кўтариб, унинг қийматини 1 кг учун 250 дан 100 сўмгача пасайтиришни мўжалляпти.

Ҳар дона маҳсулотга моддий харажатнинг амалдаги ва мўлжалланган нормасини, ишлаб чиқарилиши мўлжалланаётган маҳсулот тайёрлашда қанча материал тежаш мумкин эканлигин аниқлаш талаб қилинади.

## 91-МАСАЛА

Ҳисобот йилида корхона 10780 минг сўм миқдори маҳсулот ишлаб чиқариб, сотишни кўзда тутган эди. Амалда эса букўрсаткич 15760 минг сўмни ташкил этди. Корхона айланма маблағларининг ўртача йиллик қолдиғи қуйидаги жадвалда келтирилган:

Айланма маблағлар	Ўртача йиллик сумма (қолдиқлар), минг сўм	
	Башорат қилинган	Амалдаги
Хом ашё ва асосий материаллар	1600	1700
Ёрдамчи материаллар	110	130
Ёқилғи	500	500
Яқунланмаган ишлаб чиқариш	1900	2100
Тайёр маҳсулот	850	900
Келажак даврлар учун харажатлар	100	-

Корхона аввалдан мўлжалланганга нисбатан қанча миқдорда (ҳажмда)

айланма маблағларни бўшатган (озод этган)лигини аниқлаш талаб қилинади.

## 92-МАСАЛА

Корхона бўйича қуйидаги маълумотлар берилган: Маҳсулот сотиш ҳажми:

- ҳисобот йилида – 653400 минг сўм.
- режа бўйича – 7682200 минг сўм.

Ҳисобот йилида айланма маблағлар нормативи (меъёри) (минг сўм) – 18240.

Айланма маблағларнинг бир бор айланиб чиқиш муддати режа бўйича – 16 кун.

Маблағарнинг бир бор айланиб чиқиш муддати амалда неча кун бўлишини,

ҳисобот йилида ва режа бўйича айланишлар сонини, режа бўйича кўзда тутилган айланма маблағларнинг йиғиндисини, маблағ айланишининг тезлатишлари боис озод этилган айланма маблағлар миқдорининг қанча бўлишини аниқлаш талаб қилинади.

## 93-МАСАЛА

Корхона бўйича қуйидаги маълумотлар мавжуд:

- маҳсулот сотишнинг йиллик ҳажми – 90 млн. сўм
- айланма маблағларнинг ўртача йиллик миқдори – 4.4 млн. сўм.

Тегишли чора тадбирлар кўрилгандан сўнг айланма маблағларнинг бир бор айланиш муддати бир неча кунга қисқарди.

II-чоракда амалда айланма маблағлар қолдиғи:

- 1 апрел ҳолатига - 290 минг сўм
- 1 майга - 260 минг сўм
- 1 июнга - 230 минг сўм
- 1 ноябрга - 280 минг сўмни ташкил этган.

Айланма маблағларнинг ўртача қолдиғни, уларнинг бир марта айланиш муддатини аниқлаш талаб қилинади.

## 94-МАСАЛА

Завод учун белгиланган йиллик ишлаб чиқариш дастурининг ҳажми 15000 дона маҳсулотдан иборат. 1 дона маҳсулот учун хом-ашё сарфи – 5 кг. Йилнинг охирига хом-ашё захираси – 25 кунни ташкил этади. Режалаштирилаётган йил бошига амалдаги хом-ашё захираси – 300 кг.

Режалаштирилаётган йил охирига ўтувчи хом-ашё қолдиғини ва режалаштирилаётган йилда зарур хом-ашё етказиб бериш миқдорини аниқлаш талаб қилинади.

## 95-МАСАЛА

Тоғ корхонасининг қазиб олиш ишлари дастурида йил давомида 14,5 млн. тонна тоғ массасини қазиб олиш кўзда тутилган. Йил чорақлари бўйича у қўйидаги кўринишга эга:

1-чорақ – 3.5 млн. тонна 2-чорақ – 3.3 млн. тонна 3-чорақ – 3.8 млн. тонна 4-чорақ – 3.9 млн. тонна

Портлатувчи моддалар (ПМ)нинг солиштирма сарфи – 1 кг тоғ массасига ўртача 0.25 кг ни ташкил этади. ПМ етказиб беришлар ўртасидаги вақт оралиғи 15 кунга тенг. ПМни жўнаб кетиш бекатидан белгиланган бекатга етиб келиш вақти – 8 кун. ПМлар бўйича ҳисоб-китоб ҳужжатларини расмийлаштириш ва тўловни амалга оширишга 3 кун вақт кетади. ПМнинг суғурта захираси корхонанинг 3 кеча-кундузлик эҳтиёжига тенг. 1 кг ПМнинг нархи 300 сўм.

Портлатувчи моддаларнинг суткалик сарфини ва айланма маблағларнинг нормативини аниқлаш талаб қилинади.

## 96-МАСАЛА

Ҳисобот йилида корхонанинг айланма маблағлари 1282,9 млн, сўмни ташкил этди.

Шу жумладан (млн. сўм):

- хом ашё, материаллар ва сотиб олинган яримфабрикатлар – 33,1;
- ёрдамчи материаллар – 205,3;
- ёқилғи – 3,7;
- эҳтиёт қисмлар – 45,9;
- қиммати паст ва тез эскирадиган буюмлар – 177,1;
- идишлар – 2,6;
- тугалланмаган ишлаб чиқариш – 24,1;
- келгуси давр ҳаражатлари – 270,2;
- тайёр маҳсулот – 181,5;
- ҳаридорга жўнатилган товарлар – 167,2;
- ҳисоб-китоблардаги маблағлар – 31,4;
- пул маблағлари – 21,0;
- қолганлари – 121,8.

Корхона айланма маблағларининг структураси, нормалаштириладиган ва нормалаштирилмайдиган айланма маблағларнинг ҳажми ва солиштирма оғирлигини, ишлаб чиқариш ва муомалада бўлган айланма маблағларнинг катталигини аниқлаш талаб қилинади.

## 97-МАСАЛА

Корхона буюм ишлаб чиқаришда ўзининг конструктурлик бюроси қилган ихтиродан фойдаланади. Ихтирогача корхонабир дона буюмни ишлаб чиқариш учун 85 сўм сарфлаган.

Ихтиро корхонага бир дона буюмни ишлаб чиқаришда 13,5 сўм миқдорида материални ва 12,7 сўм ҳажмида меҳнат харажатларини тежаш имкониятини беради. Бундай устуворлик 6 йил давомида сақланиб қолинишикутилади.

Корхона йилига 600 000 дона буюм ишлаб чиқаради. Дисконт ставкаси — 15 фоиз.

Ихтирони баҳолаш талаб қилинади.

## 98-МАСАЛА

Илмий – ишлаб чиқариш бирлашмаси корхонага 4 йил муддатга, олинган фойданинг 60 фоизини бериши шарти билан, фойдаланиш учун патент берди. Олинган патент шарофати билан корхона бир йилда қўшимча 6,0 млн.сўм қўшимча фойда олиши мумкин. Дисконт ставкаси — 15 фоиз.

Роялти асосида патент қийматини ҳисоблаш талаб қилинади.

## 99-МАСАЛА

Дастур мажмуасини ишлаб тайёрлаш учун қилинган харажатлар 45,0 млн. сўмни ташкил қилган. Реклама харажатлари — 8,0 млн. сўм. Режа бўйича 20,0 млн.сўм фойда олиш мулжалланган. Дастур мажмуасидан фойдаланувчилар сони — 70та.

Дастур мажмуасининг нархини ҳисоблаш талаб қилинади.

## 100-МАСАЛА

Конни ишлаб таёрлаш учун барпо қилинган корхона табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқини олишга 800,0 минг сўм тўлаган. У қазилма бойликлар захираси баланси тугагунга қадар ишлаши керак. Кон захираси 40 минг тонна, деб баҳоланган. Корхона унумдорлиги — бир йилда 6 минг тонна.

Номоддий активлар йиллик амортизация суммасини ҳисоблаш талаб қилинади.

### **5A230102 “Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)” мутахассислиги бўйича мутахассислик фанларидан магистратурага кирувчилар томонидан ёзилган ёзма ишнинг БАҲОЛАШ МЕЗОНИ**

1. “Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)” мутахассислиги бўйича магистратурага кирувчилар томонидан ёзилган ёзма иши Ўзбекистон Республикаси ОЎМТВ томонидан белгиланган умумтартиб ва Низом

қоидаларига амал қилинган ҳолда ўтказдирилади.

2. “Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)” мутахассислиги бўйича магистратурага кирувчиларни мутахассислик бўйича ёзма иши натижалари 100 баллик тизимда амалга оширилади.

3. “Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)” махсус фанидан кириш имтиҳони ёзма усулда ўтказилади. Ҳар бир вариант 3 та саволдан иборат. Вариантдаги 3 та саволнинг ҳар биридан олиш мумкин бўлган балл миқдори қуйидагича тақсимланиши мақсадга мувофиқ деб топилган яъни, биринчи ва иккинчи саволларнинг ҳар бирига максимал 30 баллдан жами 60 балл. Учинчи топшириқ, яъни масала учун максимал 40 балл.

№	Умумий балл	Магистратурага кирувчининг билим даражаси	Хусусий балл
<b>1-савол бўйича</b>			
<b>1</b>	<b>26-30</b>	<p>Қўйилган саволлар мазмунан аниқ ёритилиб, демократик ислохотлар ва жараёнларнинг мазмунан моҳияти тўлиқ очиқ берилган;</p> <p>Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий, ижтимоий ислохотлар таҳлили ва уларнинг амалий самаралари, натижалари ва ҳаётга тадбиқ этилиши бўйича мустақил, ижодий фикр мавжудлиги;</p> <p>Жавобларда мантиқий яхлитликка эришилган ва умумий хулосалар чиқариш қобилиятига эга;</p> <p>Имло ва стилистик хатоларга йўл қўйилмаган.</p>	<p><b>9-10</b></p> <p><b>9-10</b></p> <p><b>6-7</b></p> <p><b>2-3</b></p>
			<b>26-30</b>
<b>2</b>	<b>21-25</b>	<p>Жавоб тўғри ёзилган, унда демократик янгиланиш жараёнлар асосли ёритилган, аммо бугунги демократик янгиланишлар амалиётида ноаниқликлар, саналарда чалкашликларга йўл қўйилган;</p> <p>Жавобда магистратурага кирувчининг мустақил мушоҳада юритиш қобилияти сезилади;</p> <p>Ижодий ёндошув мавжуд;</p> <p>Муаммони таҳлил қилиш қобилиятига эга.</p>	<p><b>7-8</b></p> <p><b>6-7</b></p> <p><b>5-6</b></p> <p><b>3-4</b></p>
			<b>21-25</b>
<b>3</b>	<b>17-20</b>	<p>Саволга жавобда масаланинг моҳиятини тушунилган, аммо мазмун ва натижалар юзаки ёритилган;</p> <p>Мушоҳада баёнида фикр тарқоқлиги кузатилади;</p> <p>Жавобларда мантиқийлик тамойили бузилган;</p> <p>Тасаввурга эга, лекин таҳлил йўқ.</p>	<p><b>6-7</b></p> <p><b>5-6</b></p> <p><b>4-5</b></p> <p><b>2-2</b></p>
			<b>17-20</b>
<b>4</b>	<b>0-16</b>	<p>Савол бўйича аниқ тасаввурга эга эмас;</p> <p>Умуман жавоб ёзилмаган;</p>	

		Нотўғри жавоб ва маълумот берилган; Ўқув адабиётидан айнан сўзма-сўз кўчирилган.	<b>0-16</b>
<b>2-савол бўйича</b>			
<b>1</b>	<b>26-30</b>	Кўйилган саволлар мазмунан аниқ ёритилиб, демократик ислохотлар ва жараёнларнинг мазмунан моҳияти тўлиқ очиб берилган; Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий, ижтимоий ислохотлар таҳлили ва уларнинг амалий самаралари, натижалари ва ҳаётга тадбиқ этилиши бўйича мустақил, ижодий фикр мавжудлиги; Жавобларда мантиқий яхлитликка эришилган ва умумий хулосалар чиқариш қобилиятига эга; Имло ва стилистик хатоларга йўл қўйилмаган.	<b>9-10</b>  <b>9-10</b>  <b>6-7</b> <b>2-3</b>
			<b>26-30</b>
<b>2</b>	<b>21-25</b>	Жавоб тўғри ёзилган, унда демократик янгиланиш жараёнлар асосли ёритилган, аммо бугунги демократик янгиланишлар амалиётида ноаниқликлар, саналарда чалкашликларга йўл қўйилган; Жавобда магистратурага кирувчининг мустақил мушоҳада юритиш қобилияти сезилади; Ижодий ёндошув мавжуд; Муаммони таҳлил қилиш қобилиятига эга.	<b>7-8</b>  <b>6-7</b> <b>5-6</b> <b>3-4</b>
			<b>21-25</b>
<b>3</b>	<b>17-20</b>	Саволга жавобда масаланинг моҳиятини тушунилган, аммо мазмун ва натижалар юзаки ёритилган; Мушоҳада баёнида фикр тарқоқлиги кузатилади; Жавобларда мантиқийлик тамойили бузилган; Тасаввурга эга, лекин таҳлил йўқ.	<b>6-7</b>  <b>5-6</b> <b>4-5</b> <b>2-2</b>
			<b>17-20</b>
<b>4</b>	<b>0-16</b>	Савол бўйича аниқ тасаввурга эга эмас; Умуман жавоб ёзилмаган; Нотўғри жавоб ва маълумот берилган; Ўқув адабиётидан айнан сўзма-сўз кўчирилган.	<b>0-16</b>
<b>3-савол бўйича</b>			
	<b>34 – 40</b>	Кўйилган масала мазмунан аниқ ёритилиб, иқтисодий ислохотлар ва жараёнларга билан боғлиқ ҳолда очиб берилган, шунингдек илмий ва илмий-техник ахборотлардан фойдаланган ҳолда тизимли таҳлил қилиб илмий хулосалар берилган бўлса; Амалий мисоллар доирасида Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий, ижтимоий	<b>11-13</b>

		ислоҳотлар таҳлили ва уларнинг амалий самаралари, натижалари ва амалиётга тадбиқ этилиши бўйича мустақил, ижодий фикр ва мулоҳазаларни мавжудлиги, амалий масала тўлиқ бажарилган ва масалани ечишга илмий-ижодий ёндашилган бўлса; Жавобларда мантиқий яхлитликка эришилган ва умумий хулосалар чиқариш қобилиятига эга; Имло ва стилистик хатоларга йўл қўйилмаган; Илмий ва илмий-техник ахборот билан мустақил ишлаш, тизимли мустақил таҳлил қилиш, хулоса чиқариш.	9-11 8-9 6-7
			34-40
	29 – 33	Жавоб тўғри ёзилган, аммо бугунги иқтисодий ислоҳотлар амалиётида ноаниқликлар, саналарда чалкашликларга йўл қўйилган, амалий масала тўлиқ бажарилмаган лекин ечимига илмий-ижодий ёндашилган бўлса; Жавобда магистратурага кирувчининг мустақил мушоҳада юритиш қобилияти сезилади; Ижодий ёндошув мавжуд; Амалий масалани таҳлил қилиш қобилиятига эга;	11-12 8-9 6-7 4-5
			29-33
	22 – 28	Масаланинг моҳиятини тушунилган, аммо мазмун ва натижалар юзаки ёритилган, амалий масала тўлиқ бажарилмаган бўлса; Мушоҳада баёнида ва масалани ечишда фикр тарқоқлиги кузатилади; Жавобларда мантиқийлик тамойили бузилган. Масалани ёритишда ва уни амалий жиҳатдан асослашда тасаввурга эга, аммо таҳлил ва хулоса йўқ;	8-9 7-8 4-6 3-5
			22-28
	0 – 21	Амалий масала бўйича аниқ тасаввурга эга эмас; Умуман жавоб ёзилмаган; амалий масаланинг ечими йўқ; Нотўғри жавоб ва маълумот берилган; Ўқув адабиётидан айнан сўзма-сўз кўчирилган.	0-16

Балл	Кирувчининг билим даражаси
1	2
86-100	Кирувчининг жавобларида берилган саволлар бўйича ижодий фикрлаш мавжуд бўлса, мамлакатимизда модернизациялаш жараёнларини жадаллаштириш, демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш

	концепциясидан келиб чиққан вазифаларни бажариш йўллари ўз аксини топган бўлса, қўйилган муаммони ечиш бўйича тавсиялар берган бўлса, савол бўйича жавобда мустақил мушоҳада юритилган бўлса, тавсияларни амалиётга қўллаш тартиблари кўрсатилган бўлса.
<b>71-85</b>	Кирувчи ўз жавобида қўйилган савол бўйича мустақил мушоҳада юритган бўлса, уларнинг моҳиятини деярли тўлиқ очиб берган бўлса, қўйилган муаммони ечиш бўйича ўз тавсияларини берган бўлса.
<b>55-70</b>	Кирувчи жавобида фан бўйича вариантга киритилган саволларга қисман жавоб берган бўлса, асосий тушунчаларга берган изоҳи кам бўлсада, мавжуд бўлса.
<b>0-54</b>	Кирувчи жавобида қўйилган савол мазмуни умуман ёритилмаган бўлса, изоҳлар мавжуд бўлмаса, яъни талабгор жавобида қўйилган саволлар бўйича умуман тасаввурга эга эмаслиги аниқ бўлса.

## Тавсия қилинган адабиётлар рўйхати

### Асосий адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. (янги таҳрири).
2. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони 2017 – йил 7 – феврал. Халқ сўзи, 2017 – йил 8 – феврал.
3. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. 2021 йил
4. «Ёшлар ва хотин-қизларни касб-хунар ва тадбиркорликка ўқитиш дастурларини самарали амалга ошириш ҳамда уларнинг тадбиркорлик фаолияти учун микрокредитлар ажратиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори 22.06.2021 йилдаги 388-сон
5. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, 2018 йил 1 апрел.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 майдаги “2012-2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида” ги ПҚ-1754 – сонли қарори.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 ноябрдаги ПҚ-4022-сонли “Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида рақамли инфратузилмани янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. – Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 22.11.2018 й.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 апрелдаги “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-4699-сонли Қарори.
9. Мирзиёев Ш.М. Асосий мақсадимиз – мамлакатимизни янада тараққий эттириш ва халқимиз фаровонлигини юксалтиришдир. -//Халқ сўзи, 2017 йил 28 апрель, №84 (6778).
10. Абдукаримов Б.А. Ички савдо иқтисодиёти. Дарслик. I қисм. Тошкент. «Иқтисод – Молия» нашриёти. 2010.
11. Абдукаримов Б.А. Ички савдо иқтисодиёти. Дарслик. II қисм. Тошкент. «Иқтисод – Молия» нашриёти. 2010.
12. Абдукаримов Б.А. ва бошқ. Корхона иқтисодиёти. Дарслик. - Т.: Фан ва технология, 2013.
13. Абдукаримов И.Т. , Пардаев М.Қ., Исроилов Б.И. Корхонанинг иқтисодий салоҳияти таҳлили. - Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёти, 2003.

## Қўшимча адабиётлар

1. Абдукаримов Б.А., Абдукаримов Ф.Б. Савдо иқтисодиёти, I-қисм – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, Давлат илмий нашриёти, 2013.
2. Абдукаримов Б.А., Мирзаев Қ.Ж., Шарипов Т.С., Шералиев А.С. Савдо иқтисодиёти, II-қисм – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, Давлат илмий нашриёти, 2013.
3. Расулов М. Бозор иқтисодиёти асослари - Т. : Ўзбекистон, 1999.
4. Файзиёв Э.С. Сервис тизими фаолияти асослари. Ўқув қўлланма. Самарқанд “Зарафшон” 2010.
5. Шодмонов ва бошқ. Иқтисодиёт назарияси - Т.: Молия, 2014.
6. Бринк И.Ю., Савельева Н.А. Бизнес-план предприятия. Теория и практика / Серия «Учебники и учебные пособия» - Ростов н/Д.: Феникс, 2008.-384 стр.
7. Эргашев Ё. Иқтисодий ва молиявий таҳлил - Т.: Молия, 2000.

## Интернет-сайтлар

1. <http://www.gov.uz>
2. <http://www.uba.uz>
3. <http://www.lex.uz>
4. <http://www.cbu.uz>
5. <https://www.norma.uz>
6. <http://www.stat.uz>
7. <http://www.imf.org>
8. <http://www.sciencedirect.com>
9. <http://www.reader.elsevier.com>
10. <http://www.scopus.com>